

# ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgz.uz • www.adolatgz.uz • www.adolat.uz • № 16 (1080) • 2016-yil, 15-aprel, juma

## ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 14 апрель кuni амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент халқаро аэропортида олиқ мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Қозоғистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 15 апрелда бўлиб ўтди. Аввал хабар қилинганидек, мунтазамлик касб этган олиқ даражадаги учрашувда давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

ЎЗА

## ШХТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 апрель кuni Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари раҳбарлари, шунингдек, ШХТ Бош котиби ва ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўзининг ўн беш йиллик фаолияти давомида нуфузли ва самарали халқаро ташкилот сифатида мустақкам қарор топганини, унинг фаолияти тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустақкамлаш, ШХТга аъзо давлатларнинг изчил ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш соҳасида ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар олдида турган умумий вазифаларни ҳал этишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг ташкилотга жорий раислиги даврида аъзо давлатларнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан ШХТ доирасида, авваломбор, ҳозирги кундаги хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашни борасида кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтадиган навбатдаги юбилей йиғилиши ҳар томонлама мазмунли ва самарали бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон ташаббуси билан 2004 йилда ташкил этилган, ШХТнинг муҳим ва самарали институти бўлган Хавфсизлик кенгашлари котибларининг йиғилиши ташкилот органлари ва механизмлари тизимининг ажралмас қисми бўлиб, ташкилот ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни мустақкамлаш бўйича томонлар фаолиятини мувофиқлаштириб боришда муҳим вазифани бажариб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари ҳудудида терроризм, экстремизм ва сепаратизм кўришилари, шунингдек, бошқа таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш борасида муҳим қарорлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳам алоҳида ўрин тутаётганини таъкидлади.

Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон делегациялари раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг Тошкентда ўтказилган ўн биринчи йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикр билдирди, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги жараёнида кўплаб соҳаларда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда ташкилот фаолиятини янада фаоллаштириш бўйича мамлакатимиз амалга ошираётган ишлар катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

ЎЗА

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШЛАРИ КОТИБЛАРИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЙИГИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 2016 йил 13-14 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг ўн биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

2



## САЙЛОВЧИЛАР МАНФААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

### ➤ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракциянинг қонун ижодкорлиги, сайловчилар билан ишлаш ва тарғибот-ташвиқот йўналишларидаги фаолиятига доир масалалар кун тартибидан ўрин олди.

Дастлаб фракциянинг парламентдаги фаолияти депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, ўтган давр мобайнида фракция ўз фаолиятини партиянинг “Адолат” ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун” ғояси шiori қилиб олин-

ган Сайловдодли дастури ва уни амалга ошириш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий ҳаракатлар Дастури ҳамда 2016 йилги фракция иш режасига асосан қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ҳамда сайловчилар билан учрашувлар каби йўналишларда амалга оширди.

Людмила КОШЕЛАПОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Жорий йилнинг биринчи чораги давомида фракцияимизнинг қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишларида 20 дан ортиқ қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Қонунчилик палатасининг мажлисларидаги муҳокамаларда фаол иштирок этган фракциядошларимиз ўн та қонун лойиҳасига масъул бўлдилар ҳамда қонун лойиҳаларига зарур ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича партия позициясидан келиб чиқадиган таклифлари, нуқтаназарларини билдиришди.

Ташаббускор гуруҳ аъзоси сифатида фракциядошимиз “Парламент назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, маромига етказиш ҳамда қабул қилинишида фаол иштирок этгани ҳам биз учун аҳамиятлидир.

Қолаверса, парламентдаги кўпчилик ҳисобланган “Демократик кучлар блоқи”га нисбатан муҳолиф сифатида “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун лойиҳалари муҳокамаларида партияимиз позицияси юзасидан билдирилган аксарият

таклифларимиз қонун лойиҳаларига киритилди.

Шунингдек, фракция парламент назоратининг энг самарали механизмларидан бири — Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш жараёнида фаол катнашди. Бунда дастурий мақсадларимиздан келиб чиққан ҳолда илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиётда инновацион технологияларни кенг жорий этиш, муқобил энергетика соҳаларига ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш масалалари эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

2



Адҳамжон ҲАСАНОВ:

### ➤ ФАХР

Халқимиз ҳаётида турфа байрамлар, тўй-томошалар, анжуманлар, аждоқларимизнинг умр йўллари билан боғлиқ шонли саналар кўп. Бу байрамлар юртимизда шунчаки ўтказилмайди, баки миллатимизга хос гўзал урф-одатлар, аъналарни намоён қилган ҳолда катта тайёргарликлар кўрилиб, муносиб совға-саломлар ҳозирланиб, аждоқларимизнинг бой мероси эъзозланган ҳолда нишонланади.

## “680 ЙИЛЛИККА МИНГ ҚАДАМ”

Айни кунларда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган йиғинлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, илмий анжуманлар ҳам ана шундай руҳ етакчилиқ қилмоқда. Юртимизнинг бир гуруҳ меҳнат фахрийлари бу шонли санага бағишлаб ажойиб сафар уюштирдилар. Улар Соҳибқирон таваллуд топган Хожа Илвўр қишлоғидан Тошкентгача бўлган йўлни пиёда босиб ўтишди.

Ана шу яёв кечган сафарда партияимиз фаоли, 67 ёшлиқ Адҳамжон ака Ҳасанов ҳам иштирок этди.

7

### ➤ ДЕПУТАТ МИНБАРИ

## ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ МУСТАҚКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

2016 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги қонун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши ва кучга кирди. Бу барча парламент аъзолари каби биз — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари учун ҳам тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Зеро, ушбу қонун орқали парламент назоратининг мустақкам ҳуқуқий асоси яратилди.

Мазкур қонуннинг қабул қилинишини мамлакатимизда мустақкамлик йилларида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, хусусан, давлат бошқарувида парламентнинг ролини кучайтиришга оид тизимли чора-тадбирларнинг мантқий давоми сифатида баҳолаш мумкин.

Давлатимиз раҳбари томонидан жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада қонун чикарувчи ҳокимиятнинг ролини кучайтириш хусусида илгари сурилган концептуал ғоялар ҳамда 2011, 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган тўзатишлар мазкур янги қонуннинг қабул қилинишига асос бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги бир гуруҳ депутатлар ташаббуси асосида киритилиб, сиёсий партиялар фракциялари, депутатлик гуруҳларида қизғин муҳокама қилинди.

3

Давоми. Бошланishi 1-бетда

Мухокамалар жараёнида фракция фаолиятида йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳам айтиб ўтилди ва келгусидаги режаларни тўлақонли бажариш юзасидан фикр алмашилди.

Йиғилишда жорий йилнинг 22-31 март кунлари куйи палата Регламентига мувофиқ фракция аъзоларининг сайлов округларида сайловчилар билан олиб борган учрашувлардан келиб чиқадиган хулосалар ҳамда устувор вазифалар тегшли вазирлик ва идоралар масъул шахслари иштирокида кенг муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, сайловчилар билан ўтказилган учрашувлардан қўзланган асосий мақсад мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташки сиёсат ва хавфсизлигини таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш борасида амалга оширилган ишлар, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолияти, қонун лойиҳалари, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, депутатларнинг келгусидаги режалари ва амалга оширадиган ишлари ҳақида ҳамда парламент дастурларининг олиб борилиши хусусида сайловчиларга ахборот беришдан иборат бўлди.

Шу билан бирга, депутатлар Президентининг қатор маърузаларида ҳамда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар хусусида алоҳида сўз юритилди. Оқиб ва юзма-юз мулоқотлар чоғида юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий соҳани ривожлантириш, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлидаги ислохотлар ва ўзгаришлар сайловчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Фракция аъзолари сайлов округларида олиб борган фаолияти давомида қабул қилинган қонунларнинг ижросидаги камчилик ва нуқсонлар, қандай қонун ҳужжатларига эҳтиж борлиги, сайловчиларни қандай муаммолар ўйлантираётганлиги ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини ўрганишга алоҳида эътибор қаратишди.

**Акмал БУРХАНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Фракциядошларимиз томонидан ўтказилган барча учрашувлар кизгин баҳс-муноза-



# САЙЛОВЧИЛАР МАНФААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

ралар ва савол-жавобларга бой бўлди. Учрашувлар давомида сайловчилар томонидан 1138 та таклиф ва саволлар, турли мавзуларда мурожаатлар ўртага ташланди. Қўрилган масалаларнинг 693 таси маҳаллий ҳокимликлар, тегишли орган ва ташкилотлар орқали жойида ҳал қилинди.

Аваллиги учрашувларда сайловчилар томонидан берилган таклифлар ва муҳокама қилинган масалалар 600-700 тани ташкил этгани ҳолда, улар асосан маийшй соҳага тааллуқли бўлган бўлса, бу йилги учрашувларда 1000 дан ортик масалаларнинг қўтарилиши ҳамда уларнинг асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига, юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти учун яратилган имкониятлардан янада самарали фойдаланилишига эришиш, депутатлик назоратининг кучайтирилишига, ижтимоий-иқтисодий соҳада мавжуд муаммоларнинг ечимларига, тиббиёт ва таълим соҳасида амалга оширилаётган самарали ислохотларнинг давомийлиги, ижросининг тўлиқ таъминланишига тааллуқли эканлиги алоҳида эътиборга молик.

Сайловчилар мурожаатлари асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли давлат органларига 164 та депутатлик сўрови юборилди ва уларнинг ижроси назоратга олинди.

Ахамиятли жиҳати шундаки, сайловчиларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида айнан "Адолат" СДПнинг депутатлари томонидан амалга оширилаётган ишлар билан қизиқаётганлари халқимизнинг сиёсий,

ҳуқуқий саводхонлиги янада ортақчилигини кўрсатмоқда.

Фракция аъзолари томонидан сайловчилар билан учрашувлар давомида қўтарилган ижтимоий, уй-жой ва коммунал соҳалардаги айрим масалалар мутасадди вазирликлар, муассасаларнинг масъул вакиллари билан биргаликда атрофлиқ таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, сайлов округларидаги учрашувлар жараёнида фракция аъзолари томонидан ёшлар билан ўтказилган "Тинчлик, осойишталик ва барқарорлик — жамият тараққиётининг муҳим омил" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирлар хусусида ҳам сўз юритилди.

**Умид СУЛАЙМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Сайлов округларидаги учрашувлар давомида ташкил этилган давра сужбатларида таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган турб ислохотлар замирида айнан аҳоли фаровонлигини юксалтириш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш каби масалалар мақсад қилиб олинган. Энг муҳими, мана шу йўлдан оғинай ола бориб, ислохотларга дахлдорлик ҳисси билан фаолият юритиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Учрашувларда шунингдек, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаш-

тириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, ривожланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган савий-ҳаракатлар хусусида ёшларга атрофлиқ маълумот берилди. Қонун ижодкорлиги фаолияти, парламентимиз томонидан сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар ва уларнинг мамлакатимизда турли соҳаларни янада ривожлантиришдаги ҳамда халқимиз турмуш даражасини яхшилашдаги аҳамияти хусусида фикрлар билдирилди.

Эътироф этилганидек, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари — қўз ўнгимизда қад ростлаётган бетакдор иншоотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, кўприк ва равон йўллар, бор ва ҳибонлар, замонавий технологиялар билан жиҳозланган қудратли корхоналар — буларнинг барчаси юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик туфайлидир. Шу билан бирга, бунёдкорлик ишлари давомида муҳим аҳамият касб этиб, мамлакат қудрати билан бир-бирини тўла акс эттириб келаётган тадбирларда сўзга чиққанлар юртимиздаги тинчлик, осойишталик боис шахар ва кишлоқларимиз овод, турмушимиз фаровон эканлигини фахр билан тила олдилар.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган масалалар қаторида фракция аъзолари "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дас-

турнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасига чет эл ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари ва хорижий экспертларнинг муносабат ва фикр-мулоҳазалари" номли янги рисола юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Ушбу тўпламда келтирилган нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари ҳамда танкик экспертларнинг республикамизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат, тараққиётнинг "Ўзбек модели" самаралари хусусида хавас билан билдирган фикрлари депутатлар томонидан эътироф этилди. Айниқса, улар томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат, аҳоли турмуш сифати ва даражасининг ўсиб бораётгани, таълим ва соғлиқни сақлаш тизimini ислох қилиш, ширвардида ҳар томонлама соғлом ва барқарор авлодни вояга етказиш борасидаги ислохотлар ҳақида билдирилган фикр ва таклифлардан тарғибот тадбирларида фойдаланиш мумкинлиги, қолаверса, бу Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши қайд этиб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан фракция қарори қабул қилинди.

**Илёс САХАТОВ, «Adolat» мухбири**

ЎЗА

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШЛАРИ КОТИБЛАРИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЙИГИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Давоми. Бошланishi 1-бетда

Унда Қозғоғистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси — Хавфсизлик кенгаши котиби Н.Ермеков, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси Го Шэнкун, Қирғизистон Республикаси Мудофаа кенгаши котиби Т.Жумақодиров, Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Н.Патрушев, Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби А.Қаҳҳоров, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.Маҳмудов, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Р.Алимов ва ШХТнинг Минтақавий аксил-террор тузилмаси (МАТТ) Ижроия қўмитаси директори Е.Сисоев иштирок этди.

Дўстона ва амалий руҳда ўтган йиғилишда ШХТ ҳудудида хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашга доир долзарб масалалар, терроризм, сепаратизм, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотикларнинг ноқонуний айланиши, трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва биргаликда ҳаракат қилиш механизмларини такомиллаштириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Халқаро терроризм ва экстремизмнинг барча қўриқиларига барча давлатларнинг биргаликдаги кураши орқали барҳам бериш мумкинлиги ҳақида яқдил фикр билдирилди.

Иштирокчилар 2016 йил 23-24 июнда Тошкент шаҳрида ўтказилаётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг йиғилишига тайёргарлик ишлари ҳақида Ўзбекистон томонининг ахборотини тинглади. ШХТнинг бўлажак саммити ташкилотнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва хавфсизлик соҳасида халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришда муҳим босқич бўлиши таъкидланди.

Йиғилишда Тошкент шаҳрида ўтадиган саммитда қабул қилиниши кўзда тутилаётган ШХТнинг экстремизмга қарши курашиш конвенцияси, ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга оширишга доир тадбирлар режаси, ШХТга аъзо давлатларнинг наркотикларга қарши курашиш бўйича 2017-2022 йилларга мўлжалланган стратегияси ва уни бажариш бўйича Ҳаракат дастури лойиҳаларини имкон қадар тезроқ келишти олиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилиш иштирокчилари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби ва МАТТ Ижроия қўмитаси директорининг ташкилотнинг хавфсизлик соҳасидаги фаолияти тўғрисида ахборотларини тинглади ва маълумот учун қабул қилди.

Йиғилиш якуни бўйича Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг ўн биринчи йиғилиши протоколи имзоланди.

# ЭНГ МУНОСИБ НОМЗОДЛАР САРАЛАНАДИ

## ➤ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Жорий йил фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида сифат жиҳатидан янгилашиб, юртимизда кучли фуқаролик жамияти тобора шаклланиб бораётган бир пайтда бўлиб ўтади. Таъбир жоиз бўлса, бу истиклолнинг чорак асрлик қўлтуғ тўйи билан бир қаторда, жорий йилдаги энг улкан ижтимоий-сиёсий воқеа ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти институтлари ўртасида алоҳида мавқега эга фуқаролар йиғинлари учун энг муносиб етакчиларни сайлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган маҳалланинг янада самарали фаолият юритиши айнан йиғин раисларига, фаолларнинг ташаббускорлиги ва жонқуярлигига боғлиқ.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловларини адолат, ошқоралик, тенглик каби тамойиллар ҳамда қонунийлик белгиланган талаблар асосида ташкил этиш ва ўтказиш ҳар бир фуқаро зиммасига муайян масъулият юклайди. Негаки, сайловлар фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва мамлакат тақдирига ўз муносабатларини намоён этадиган сиёсий жараёндир.

Май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган сайловларда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси

сайланади. Мазкур сиёсий жараёни қонунда белгиланган талаблар, демократик ва умумэтироф этилган тамойилларга мос тарзда ташкил этиш мақсадида айни кунларда ҳудудларда пухта тайёргарлик кўриломоқда.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунда сайловнинг асосий принциплари сифатида ошқоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи белгиланган.

Ҳар бир раис ва унинг маслаҳатчиси лавозимига энг қамиди иккита номзод кўрсатилиши шарт. Муқобилликнинг жорий этилиши ҳар бир ўринга икки, уч ёки тўрт номзод орасидан энг муносибни танлаш имкониятини яратди.

Аваллари фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари, сайловларга тайёргарлик доирасида уюштирилаётган тадбирларни белгиловчи субъектлар аниқ кўрсатилмагани

боис амалиётда турли муаммолар келиб чиқар эди.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунда бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида сайловларни ўтказиш муддатлари ва уларни белгилайдиган субъектлар аниқ кўрсатиб қўйилди.

Хусусан, қонуннинг 10-моддасида: "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари сайлов бошланишидан қамиди икки ой олдин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддатлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади", деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Албатта, бу вақолатнинг Олий вакиллик органининг юқори палатаси ҳисобланган Сенатга топширилиши, биринчидан, сайлов жараёнида юзага келадиган ҳудудий муаммоларни республика даражасига олиб ўринга икки, уч ёки тўрт номзод орасидан энг муносибни танлаш имкониятини яратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши қошида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ҳамда ўтказишга

қўмаклашувчи комиссия томонидан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш, сайловларни ташкил қилиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш бориш, сайловни самарали ўтказиш учун зарур норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар билан таъминланишини ташкил этиш каби вазифалар амалга оширилади.

Шунингдек, сайлов билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтуриш ишларини олиб бориш, уни ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнига оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминлаш, фуқароларнинг масалага дахлдор мурожаатларини қўриб чиқиш, сайлов якунлари тўғрисида тегишли комиссиялар томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштириш ва кенг жамоатчиликка етказиш ҳам комиссия аъзолари зиммасида.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга "бевосита сайловга қадар қамиди беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётганлик" талаби бор. Бу номзод маҳалланинг ютуқ ва камчиликларидан хабардорлиги, унда истиқомат қилаётган аҳолининг қувончу ташвишларидан бохабарлигини таъминлашда муҳим мезондир.

Шунингдек, номзодларга "давлат органларида ёки давлат нотижо-

рат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши лозимлиги" талаби ҳам қўйилди. Чунки бирор-бир соҳада ишламаган ёки жамиятга нафи теғмаган инсон маҳаллага етакчилик қилиши мумкин эмас.

Маҳалла сайловларининг демократик мезонлар асосида ўтишини таъминлашда ҳар бир фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзод учун ўз сайловолди дастурини тақдим этиш муҳим аҳамият касб этади.

Қонуннинг 21-моддасига асосан, "Фуқаролар йиғини раиси (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларни эълон қилади. Шундан сўнг фуқаролар йиғини раиси (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг ҳар бирига сўз беради. Фуқаролар йиғини раис-

си (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг маърузаси алифбо тартибда ўтказилиб, номзодлар ўзининг келгуси фаолият дастурини эълон қилади".

Бу қонуннинг қонунчиликка киритилиши ва амалда қўлланилиши номзодларнинг ўз сайловчилари олдига чиқишларига шароит яратиб, зиммаларига юкланаётган вазифаларни бажариш, ўз салоҳиятини намоён этиш имконини беради ҳамда бу жараён сайловчиларга танлаш ва сайлашда муайян қўлайликларни юзага келтиради.

Шунингдек, сайлов бюллетенларининг намуналари ва шакллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади. Бу ҳам сайловларни адолатли ташкил этишда муҳимдир. Сайлов бюллетенларининг бир хил шаклда ишлаб чиқиши ва ҳудудларда қонунда белгиланган тартибда тарқатилиши уларни қалбақлаштиришнинг олдини олади.

**Мухтасар айтганда, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари адолатли, қонуний асосда ташкил этилиши ва ўтказилишидан барча фуқаролар бирдек манфаатдордир. Зеро, юртимиз тараққиёти, эртанги кунимизнинг фаровонлиги, турмушимизнинг ободлиги айнан мазкур сайловларнинг муваффақиятли ўтишига бевосита боғлиқ.**

**Гавҳар АЛИМОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси**

## МУНОСАБАТ

Озод юртимизнинг баҳо ва тоғлари бағридаги файзли водийлари, азим дарёларининг сўлим соҳилларидаги гўзал воҳаларида серхосил экинзорлар, баракали боғроғлар бисёр.

Улардан ҳар йили ерининг тилини яхши биладиган дехқон ва фермер хўжалиқлари аъзолари минг-минг тонналаб мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари оладилар. Айнан бизнинг юртимизда етиладиган болдан ширин, сервитами олма, ўрик, нок, анор, анжир, олхўри, олча, гилос дунёнинг бирор жойида йўқ. Тилими тилини ёрадиган қовунларимиз тўғрисида-ку гапирмасам ҳам бўлади. Жаҳон бозорларида уларнинг харидорлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Тоголди ўрмонлари ва дарё тўқайлари ҳудудда ўсадиган ёноқ, бодом, pista, дўлана, жийдаларнинг ўзидан ҳам ўн минглаб тонна



хосил олса бўлади. Аҳоли масканлари ва экинзорлар атрофларидаги шакардан тогли тутлар-чи? Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелда қабул қилинган "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада туб бурилиш ясашга, мамлакатимиз қайта ишлаш корхоналарини хомашё ресурслари билан мунтазам равишда таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тарзда тўлдириш, шу

нингдек, ташқи бозорларда харидорлар ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажминини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантиришга кенг йўл очиб беради. Наники давлат ва ижроия муассасалари, тармоқ ташкилотлари, қишлоқ мулкдорлари, қайта ишлаш саноати ва экспорт корхоналари, балки бутун халқимиз, кенг жамоатчилик, шу жумладан, барча бўғин депутатлари ҳамжихат бўлиб ушбу қарорнинг тўлақонли ижросини таъминласак, мамлакатимиз янада обод, қудратли, дастурхонимиз хар қачонгидан тўкин бўлади!

**Икром МНАЖОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Жўқорги Кенгесидаги "Адолат"  
СДП депутатлик гуруҳи аъзоси

## ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Давом. Бошланғич 1-бетда

Айниқса, парламент қўйи палатасидаги қўмиталар ҳузурида тажрибали олимлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иборат таркибда ташкил этилган экспертлар гуруҳида мазкур қонун лойиҳаси чуқур муҳокама қилинди. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг бу йўналишдаги тажрибаси ҳамда қонунчилик амалиёти киёсий ўрганилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамаси давомида мазкур мавзуда қатор халқаро ва республика даражасидаги конференциялар, давра суҳбати ва семинарлар ўтказилди, уларда масаланинг назарий ҳамда амалий жиҳатлари чуқур муҳокама қилинди.

Кизгин баҳс-мунозаралар, кенг қўламли муҳокама жараёнларидан сўнг лойиҳа 28 та моддадан иборат, шишқ, пухта ва мукамал қонун шаклига келди ҳамда парламент томонидан қабул қилинди.

Янги қонунда парламентнинг назорат функциясини самарали амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмларини очиб берувчи янги нормалар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолияти устидан парламент назоратини ўрнатилганга оид янги ва замонавий институтлар ўз аксини топди.

Авалло, қонун орқали парламент назоратининг объекти ва субъекти белгиланди. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ акс эттирилди. Жумладан, сиёсий партия фракцияларининг парламент назорати субъекти сифатида белгиланиши мамлакатимизда сиёсий партиялар, уларнинг бирлашмалари ролини кучайтиришга оид ислохотларнинг яққол исботидир. Қолаверса, мазкур янгилик жамиятдаги турли аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида сиёсий майдонга чиққан партиялар учун янги имкониятдир.

Ушбу янги қонунда парламент назоратининг шакллари аниқ белгилаб қўйилди. Парламент назоратини амалга оширишнинг амалдаги қатор йўналишлари билан бирга замонавий шакллари ҳам ўз ифодасини топди. Масалан, Давлат бюджетини қабул қилишнинг ҳуқуқий механизми мукамал очиб берилди. Хусусан, Давлат бюджет лойиҳасини Олий Мажлис палаталарига киритиш муддатининг аниқ белгиланиши, унинг фракцияларда, депутатлар гуруҳларида, Қонунчилик палатасининг қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат бюджети лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан қўриб чиқилганда фракцияларнинг, депутатлар гуруҳларининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг келиб тушган мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда маромига етказишга оид вазифалари аниқ белгиланганлиги қонуннинг энг муҳим жиҳатларидандир.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан қонун ҳужжатлари ижросининг ҳолатини, ҳуқуқни қўллашни амалиётини ўрганиш ва улар томонидан қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши устидан мониторингнинг амалга ошириш институти жорий этилди. Бу қабул қилинган қонунларнинг самарали амалга татиқ этилишида муҳим омилдир.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, қонун орқали "парламент текшируви" номи янги институт жорий қилинди. Бунга асосан, жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир қўрсатиши мумкин бўлган муайян омиллар ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкинлиги белгиланди. Бу жамият ҳаётидаги муҳим жараёнларга парламентнинг муносабатини акс эттириш учун янги ҳуқуқий механизмдир.

Шу билан бирга, янги қонунда парламент назоратининг натижалари алоҳида моддада ёритилди ва унда парламент назорати субъектлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қўриданган қоралар акс эттирилди. Ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларни қўриб чиқиш ва ижро этиш борасидаги вазифалари аниқ белгиланди.

Умуман, мазкур қонун ўз аҳамиятига кўра бугунги кунда мамлакатимиз қонун ижодкорлиги соҳасида эришилган юксак натижаларни рўй-рост намоён этадиган, шу билан бирга, юртимизнинг келгуси тараққиёти, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси бўлган — қонун устуворлиги, ижтимоий адолат тантанаси каби эзгу ниятларга эришиш йўлидаги яна бир ҳуқуқий асосдир.

**Янги қонун парламент назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси сифатида қонун чиқарувчи орган фаолиятини янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.**

**Шухрат ЯКУБОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

## ЕТАКЧИ ВА ФАОЛЛАРНИНГ БИЛИМ ВА МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА СИЁСИЙ ҲУҚУҚ

Кадрларнинг профессионал салоҳияти, партия аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий билиминини ошириш мақсадида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг қўйи ташкилотларида белгиланган дастур асосида сиёсий ўқувлар ўтказиб келинади.

Қораўзақ туман партия кенгаши томонидан "Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш долзарб масала" мавзусида БПТлар раислари ва фаоллари учун сиёсий ўқув машулотли ўтказилди.

Айни пайтда туманда 485 нафар саёдошларимиз жами 15 та БПТга бирлашган. Тадбирда партиянинг асосий таянчи хисобланган БПТлар фаолиятида ташкилий ишларни олиб бориш, тарғибот тадбирларини ўтказишда қайси муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлиги, фуқароларнинг партиёга нисбатан қизиқиш ва ишончини янада кучайтириш омиллари ҳақида батафсил сўз юритилди.

**Шарипа ТОРЕШОВА,**  
Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот қотиби

# ЖАМОАТЧИЛИК ОЛДИДАГИ ҲИСОБДОРЛИК РАҲБАР ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ МЕЗОНИ

## ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Бир чеккаси кўҳна Зарбанд тоғлари билан туташиб кетган, бепойён яйловлари, қир-адирлари ва асов сойлари билан Самарқанд вилоят харитасидан салмоқли жой эгаллаган, қарийб 120 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган Қўшработ туманининг ўзига хос жиҳатлари ва анъаналари бор.

— Қўшработликлар яшарини ва янгилашни нафасини бошқалардан эртароқ хис қилишади ва турмуш учун муносиб шарт-шароитларни яратишга нисбатан масъулликни чуқур хис этадилар, — дейди халқ депутатлари туман Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Абдухамид Тўхтаров. — Раҳбардан ҳам, тadbirkor ёки мухтаassisдан ҳам ўз ваколати, бурчи доирасида масъулият талаб этилади. Ва унинг фаолияти, зиммага олган мажбурияти жамоатчилик кўз ўнгига туради. Халқ хизматида турган раҳбарнинг виждонан ва ҳалол ишлари, обени ердан узилмаслиги учун бу — энг зарур талаб.

Яқинда депутатлик гуруҳи томонидан туман ҳокими А.Алиходжаевнинг ҳисоботи эшитилгани ва унга ижро фаолияти учун зарур бўлган таклиф ва тавсиялар берилганлиги фикримизнинг исботидир.

Хисоботни муҳокама қилиш жараёнида депутатлар қўйи ижро ҳокимиятининг икτισодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш, ишлаб турган қувватларини модернизациялаш натижасида маҳсулот ва хизматлар рақобатдорлигини таъминлаш борасидаги дастурий чора-тадбирларни маъқулладилар. Таъкидландики, ана шундай савий-харакатлар ҳисобига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 112,4 фоизга, истеъмол товарлар ишлаб чиқариш 114,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 107,7 фоизга оиди. Капитал қурилиш соҳасида ҳам олдинга қараб силжиш кўзга ташланмоқда. 28 та намунавий уй-жой массивлари фойдаланишига топширилган. Туманда ҳуёсий тадбиркорлик ва кичик бизнес тармоғининг янги маҳсулот ва хизматлар соҳасидаги улуши ўртача 91-93 фоизни ташкил этаётгани ҳам ибратлидир.

Шу билан бирга, ҳисоботни тинглаган депутатлар қишлоқларни саноатлаштириш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация тузилмаларини барпо этиш, коммунал хизматларни ривожлантириш, иктисодиётнинг реал секторига хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнлари сўз кечаётганига маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарининг эътиборини қаратдилар.

Туманда корхоналарнинг экспорт бўйича прогноз режалари етарлича бажарилмаётганлиги, йўлсозлик борасида ҳам ҳали қилинадиган ишлар кўп. Энг муҳими, ижро ҳокимиятининг ислохотлар жараёнидаги ташки-

лотчилик ролини ошириш мақсадида ҳокимлик тизимидаги барча идора ва ташкилотлар фаолиятининг очиқлигини, раҳбар ходимларнинг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Дарвоқе, шу ўринда маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловларда партиядошларимизнинг қўли баян қилиб, халқ депутатлари туман Кенгашида саккиз ўринни эгаллашганини айтиш жоиз. Сайловдан сўнг ўтган вақт мобайнида депутатларимиз амалий ишлари билан электорат ишончини оқлашга ва ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнига сезиларли таъсир қўрсатишга ҳаракат қилиб келишмоқда.

Адоли йўқ дашт ва яйлов, деб таъриф берилган Қўшработ туманида бугун намунавий лойиҳа асосида бир-бирдан кўркам уй-жойлар бино этилмоқда. Туман марказида ҳамда "Октепа", "Жўш" қишлоқларидаги дехқон бозорлари қайта таъмирланмоқда, янги истироҳат боғлари барпо этилмоқда. Муғлако замонвий сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилмоқда. Маданият уйлари, спорт иншоотлари сови кўпаймоқда.

Биргина мисол келтирсак, бугун туманда 388 та спорт иншооти бунёд этилиб, уларда ҳар қунги 11 минг нафардан ортик ўсимир-ёшлар йигирмадан зиёд спорт турлари билан машғул бўлишмоқда. Эътиборлиси, спорт соҳасидаги малакали мураббийларнинг тенг ярминини, яъни 23 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Тасаввур қиланмасиз, шаҳарда хотин-қизлардан спорт мураббийлари кам бўлиб турган бир пайтда олис Қўшработда қизлар спортини ривожлантириш учун мураббийлар етарли. Бу шунинг аниқлиги, туманда ёшлар, айниқса, хотин-қизлар ўртасида спортни кенг йўлга қўйиш орқали репродуктив саломатликнинг мустаҳкамлашга, соғлом авлодни тарбиялашга, ёшларнинг аклий ва жисмоний салоҳиятини юксалтиришга эътибор кучли. Ойладаги соғломлик, баркамоллик ва соғлом дунёқараш эса кўп вазифаларни ҳал этишга қодир.

Суҳбатдошимизнинг мавзуга ёндашувида келиб чиққан ҳолда шунинг таъкидламоқчимизки, туманда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш масаласи депутатлар фаолиятининг муҳим қиррасига айланди. Хусусан, халқ депутат-



лари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи ташаббуси билан "Урганчи" қишлоғидаги 23-умумтаълим мактаби қошида бадий гимнастика тўғрисида очилган спортнинг шу йўналиши бўйича талаб этиладиган барча усулна-жиҳозлар етказиб берилди. Натижада бугунги кунда мактабда 23 нафар киз гимнастика билан шугулланиб, ўз маҳоратларини тинимиз оширмоқда. Партиядошимиз Абдухамид Тўхтаров қўшработликларни талабчан, янгиликка интилувчан қишлоқ, деб таърифлади. Ва бунинг далоли сифатида муқобил энергиядан фойдаланишга қизиқиш ортиб бораётганини таъкидлаб ўтди. Партия фаоллари ва депутатлик гуруҳи аъзоларининг тарғиботи ҳамда амалий кўмаги билан нафақат корхона, ташкилотлар, балки хонадонларда ҳам қўш батареялари ўрнатилмоқда. "Чағатой" қишлоғида яшовчи таълим ходими Азиз Дўлаев ўз хонадонида муқобил энергиядан беминавт фойдаланаётган йигирмаданчи мижоз. "Боқи" қишлоғидаги фельдшер Халим Эгамбердиев ҳам янгиликнинг афзаллигини ўз тажрибасида аниқлаб кўрсатди, партия фаолларидан миннатдор бўлди. Унинг хонадонига уйни ёритиш, кир ювиш машинасида фойдаланиш, томоркага ер остидан сув чиқариш — ҳаммасига қўшдан олинаётган электр энергияси киёф қилаётган.

Қишлоқлари бир-бирдан 15-20 километр олисда, тарқоқ жойлашган ва шунинг учун ҳам ягона электр манба билан таъминлаш мураккаблик келтириб чиқараётган Қўшработ тумани учун муқобил энергия истиқболли эканлиги кун сайин аён бўлиб бормоқда. Демак, партия дастурларида айни шу янгилик туманда жорий этилиши ўз натижасини бераётган.

"Адолат" СДПнинг маҳаллий Кенгашидаги депутатлари бу каби ижтимоий масалаларни ҳал этишда ҳозиржавоблик қўрсатишмоқда. Чунончи, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш депутатлар назоратида турган долзарб масалага айланган. Шу мақсадда давлат бошқаруви идораларига асосли мурожаатлардан сўнг тегишли қарор қабул қилинишига эришилди. Тумандаги 68 мингдан ортик аҳоли истиқомат қилаётган 78 та аҳоли пунктига ер ости қудуқларини барпо этиш тегишли режага киритилди. Партия дастурини белгилангандек, қишлоқда яшаб, моддий неъматлар ишлаб чиқараётган қишлоқларнинг имтиёзлар пакетидан самарали фойдаланишларини таъминлаш, улар меҳнатининг хар томонлама кафолатланганига қўмақлашиш партия фаоллари ва депутатларнинг диққат марказидаги масалалар сирасига кирди. Шу мақсадда онлайн тадбиркорлик, балиқчилик ёки асарчилик билан шугулланаётган 100 дан ортик фуқарога туман бандликка қўмақлашиш маркази томонидан меҳнат дафтарақлари очилиб, уларнинг фаолияти қонун билан муҳофаза қилинишига эришилди.

Депутатлик гуруҳи аъзолари — Бахтиёр Зиёддинов, Камариддин Арзиқулов, Бувмайрам Худоёрова, Аслиддин Бойзоқов, Зиёдулла Усанов ва бошқалар туман партия кенгаши ва БПТлар билан яқин алоқада фаолият юритадилар. Тумандаги 28 та бошланғич партия ташкилотининг хар биттасига депутатлар галма-гал таъриф бую-

риб, сиёсий ўқувлар ўтказиш, ҳудуд аҳолисини ўйлантираётган муаммолар ҳақида фикрлашди. БПТга электоратдан тушган мурожаатларга биргалликда жавоб излашади. Натижада аҳоли орасида партия мавқеи оғиб, амалий ҳаракат доираси кенгайиб бормоқда.

Ваконатга доир вазифалар қўламини кенг, — дейди депутатлик гуруҳи аъзоси Зиёдулла Усанов. — Бу йил тумандаги еттига касб-ҳунар коллежини 3875 нафар кичик мутахассис битиради. Уларни муносиб иш жойлари билан таъминлаш мақсадида депутатлар ташаббуси билан бошқаруви идораларини жалб этган ҳолда меҳнат ярмаркалари ташкил этилаётган. Банклар томонидан коллеж битирувчиларига ўз фаолиятини йўлга қўйишлари учун имтиёзли кредит ажратилишига қўмақлашаётган. Мақсад иктисодиётда ва хизматлар кўрсатишда ранг-барангликни таъминлаш, рақобатини кучайтириш, истеъмол бозорларини тўлдиришдан иборат.

Депутат Камариддин Арзиқуловнинг фикрича, "Янги кўрғон" қишлоғидаги 300 ўқувчи мўлжалланган янги мактаб қурилишида ташаббускор бўлгани, қишлоқ врачлик пунктини узлуksиз электр энергияси билан таъминлашнинг ўз назоратида олган электоратининг хоҳишига яраша иш бўлди. Депутатлик ваколатининг бу каби самарали қўлланилиши одамлар турмушига энгиллик олиб киради, ҳудуд иктисодиётини янада ривожланишига хизмат қилади.

**Демак, Қўшработда депутатлар халқ билан ҳамфикр. Унинг ташвиш, мақсадларидан огоҳ. Фаровон турмушга эришиш йўлидаги азму шижоат, қатъият, ишчанлик янада кўпроқ ижобий натижалар беришига ишончимиз комил.**

**Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,**  
"Адолат" муҳбири

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ

ишонч ва хайрихоҳликни оширади

БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Вобкент туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника қошидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП бошланғич партия ташкилоти аъзолари аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, тиббий ёрдам сифатини янада яхшилашга доир дастурий вазифаларимизни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этишмоқда.

Тиббиёт соҳасида ишлаш инсондан чуқур билим, тажриба ва малакага эга бўлиши билан бирга фидойиликни талаб қилади. Маъмур БПТ атрофида уюшган тиббиёт ходимларини ҳам ана шундай фидойи, ўз ишнинг ҳақиқий захматқашлари, дейиш мумкин. Эл соғлиги йўлида камарбаста бўлаётган маслаҳатларимиз фаолият юритиётган туман кўп тармоқли марказий поликлиника шифокорлари томонидан ҳудуд аҳолиси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб келинмоқда. Улар ҳонадонларнинг санитария-эпидемиологик ҳолатига эътибор қаратиб, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, репродуктив саломатлигини асраш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, одам савдосига қарши курашиш юзасидан жойларда жонли мулоқотлар, суҳбатлар уюштиришмоқда. Поликлиникада I гуруҳ ногиронларига, уруш фахрийларига, боқувчисини йўқотган ёлғиз кексалар, 60 ёшдан ошган нурунийларга ва кам таъминланган оилаларга барча тиббий хизматлар бепул кўрсатилиб, уларнинг касал-хоналарда даволашилари учун имтиёзли йўлланмалар берилаётганлиги ҳам эътиборга молик.

Поликлиникамиз 2014 йилда туман марказида янги қурилган замонавий бино билан таъминланди, 250 қатновга мўлжалланган муассасамизда 198 нафар шифокор аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини мунтазам ошириб боришга жами 96 нафар сафдошимизни бирлаштирган бошланғич партия ташкилотимиз фаоллари алоҳида эътибор қаратаётганлиги, — дейди халқ депутатлари Вобкент туман Кенгаши депутати, поликлиника мудири, БПТ раиси Ўлмас Орипов. — Бунинг учун, аввало, партия аъзоларининг билимларини мустаҳкамлаш чоратадбирлари йўлга қўйилганини айтиш жоиз. Шунингдек, партия сафига янги қабул қилинган аъзолар билан кенг тушунтириш ишлари ҳам олиб борилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Вобкент туман партия кенгаши томонидан ҳар ҳафтанинг чоршанба кунини "БПТ кунини" деб белгиланган бўлиб, унда туман кенгаши ходимлари ҳамда депутатлар биргаликда йиғилиш ўтказиши аёнанага айланган. Бу тадбирларда БПТ аъзоларининг партиявий ишлардаги иштироки, уларнинг тақлиф-мулоҳазалари билан ўртоқлашилади, мулоқот



асосида электоратимизни ўйлан-тиратган масалалар хусусида фикрлашиб олинади.

Бошланғич ташкилот аъзолари фуқаролар билан яқин бўлиши, аҳолини ўйлан-тиратган муаммоларини билиши, уларнинг ечим бўйича ташаббус, тақлифлар билан чиқишлари зарур. Ўзаро фикр алмашиш, савол-жавобларда ўртага ташланган турли ижтимоий масалаларнинг партия депутатлик гуруҳи аъзолари билан ҳамжihatликда қонуний тартибда хал этилишига эришиш аини мудоадир. Бундай тадбирлар орқали партия аъзолари фаолигини кучайтириб, дастурий ғояларимизни са-

марали тартиб этишга ҳам эришамиз.

— Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш ҳар доим БПТнинг диккат марказида бўлиб келмоқда, — дейди маъмур поликлиника ревматолог врачига, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаол аъзоси Дилбар Қулиева. — Аҳоли ўртасида фуқароларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга қаратилган "Репродуктив саломатлигини асраш", "Она ва бола саломатлигини доимий эътиборда", "Соғлом она ва бола — соғлом жамият асоси" каби мавзуларда тушунтиришлар олиб борилаётганлиги.

БПТ ташаббуси билан поликлиника шифокорлари "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" ширин остида чуқурлаштирилган тиббий кўриқларни ўтказишда Республика Педиатрия илмий-текириш институти, Акушер-гинекология илмий-текириш институтидан юқори малакали мутахассислар иштирок этганлиги чекка ҳудудлардаги аҳоли ҳам марказдаги сингари юқори тиббий хизматдан фойдаланиш имконига эга бўлиб бораётганлиги кўрсатади.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА, Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

ДАВРА СУҲБАТИ

Нукус давлат педагогика институтида Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан "Адолат туғини баланд кўтарган саркарда" мавзусида ўтказилган давра суҳбати Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланди.

АДОЛАТ ТУҒИНИ ТУТИБ

Тадбирда партиянинг Қорақалпоғистон ҳудудий кенгаши фаоллари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши ва халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутатлари, тарихчи олимлар томонидан талаба-ёшларга мустақиллик туғайли қайта тикланган бой тарихимиз ва маънавиятимиз ҳақида маълумотлар берилди. Буюк боболаримизнинг жаҳон илму фани ва таракқиётига қўшган ҳиссаси, истиқлол йилларида мамлакатимизда Соҳибқирин Амир Темур хотирасини эъзозлаш, ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, тартиб этишга эътибор қаратиб келинаётгани алоҳида тилга олинди.

— Ҳақиқатан ҳам қудратли давлат асосини, илм-фан, маданият ва маънавият хомийси, дунё цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк бунёдкор, ўрта асрнинг йирик давлат арбоби Амир Темурнинг фаолияти, ўғитлари бугун ҳам бизга дастуриламал бўлиб хизмат қилаётган, — деди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши партия депутатлик гуруҳи раҳбари Барликбай Пренов. — Ортбошимиз раҳнамолигида инсонни улуглаш, барча соҳада адолат тамойилига амал қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг юксак самаралари бунга яқол далилдир. Ҳуқуқий демократик давлат, одил фуқаролик жамиятини қуришда фаол иштирок этишни, жамиятда қонуни устуворлигини таъминлаш ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишни мақсад қилиб Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси буюк саркарда Амир Темурнинг "Куч — адолатда" ҳикматли сўзини бош ишор қилиб олганлиги бежиз эмас.

Тадбирда халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутати, тарих фанлари доктори Яхшибека Абдуллаева "Темур тузуклари"нинг ўша даврда давлат бошқарувидаги туган ўрни ва бугунги кун ёшлари тарбиясидаги аҳамияти ҳақида маълумот берди.

Тадбирда талаба-ёшлар ўзларини кизиктирган саволларга жавоб олдилар.

Ривож ОТАРБАЕВ,

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари

УЛУҒ СИЙМОНИ ЁД ЭТИБ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах шаҳар кенгаши ташаббуси билан Жиззах политехника институти қошидаги академик лицейда



Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган "Куч — адолатда" мавзусида учрашув ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари Амир Темурнинг инсоният тарихида туган юксак ўрни, фаолияти, бунёдкорлик ишлари, адолат мезонига қатъий амал қилганлиги ҳақида сўз юритишди. Ташкилланганлик, Соҳибқирин Амир Темурнинг "Куч — адолатда", деган ҳикмати неча асрлар давомида халқимизнинг маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Буюк боболаримизнинг билим ва жасорати, халқ манфаатлари учун фидойилиги, бекиёс хизматлари ёш авлоднинг мардлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Ёшларнинг Амир Темур ва темурийлар тарихига кизикдилари уларнинг мутахассислар билан жонли мулоқоти, савол-жавобларида яқол намоён бўлди.

Тадбирда фаол иштирок этган ёшларга партиянинг эсдалик совғалари тақдим қилинди.

Маърифат МАВЛОНОВА,

Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ахборот асри муҳитида ёшларда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, уларда интернет тармоқлари орқали бўлаётган турли ахборот хуружлари ва мафкуравий таҳдидларга қарши оғоявий иммунитетни мустаҳкамлаш муҳим вазифамизга айланган.

Партиянинг "Ватан келажаги ёшлар кўлида" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Умид Сулаймонов Қўштепа тумани ёшлари билан "Мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ахборот хуружларига қарши курашиш чоралари" мавзусида суҳбатлашди. Тадбирда У.Сулаймонов таракқий эътибор мамлакатлар қатори Ўзбекистон ҳам замонавий коммуникация тизимидан холи эмаслиги, бундай вазиятда ёшлар тармоқлардаги "қармоқлар" бўлган — турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун барчамиз масъуллигини, тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доим сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур эканлигини таъкидлаб ўтди.

— Фикримча, ахборот хуружи — ёмон ниятнинг ниқоб остига яширган ҳолда, хитисётларини, эътиқодимиз ва тўғри-ғуларини таъсир этиш орқали ўзларининг сиёсий мақсад ва мудоаларини ёшлар кўли билан амалга оширишни ният қилган худбин қимсалар қуролидир, — дейди коллеж ўқувчиси Жанвоҳир Набиев. — Агар биз мустахкам иродаимиз, кучли мафкуравий иммунитетимиз, юксак ватанпарварлик хисларимизни қон-қонимизга синдириб борсак, бу қурол ўз-ўзидан парчаланиб кетишига гувоҳ бўламиз.

Дарҳақиқат, учрашувда қайт этилганидек, ахборот хуружларининг энг таҳликали шакли айнан дунёқараши энди-гина ривожланаётган ёшлар онгига оғоявий ва мафкуравий таъсир ўтказишдир.

Ўзаро мулоқот доламида ёшлар депутатдан ўзлари учун турли йўналишларда ҳуқуқий маслаҳатлар олиш билан бирга, қонуни ҳокимдорлиги, миллий қонуқчилигимиз асослари, Қонуқчилик палатаси фаолияти, қонуқчиликдаги сўнғи янгилликлар тўғрисида маълумотларга ҳам эга бўлдилар.

Комила ИСРОИЛОВА,

Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

ТИНЧЛИК ВА ХАВҒСИЗЛИК УЧУН БИРГА КУРАШАМИЗ

БУНЁДКОР ҒОЯЛАР

мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлайди

Гулистон академик лицейида Ўзбекистон "Адолат" СДП Гулистон шаҳар кенгаши томонидан партиянинг "Ватан келажаги ёшлар кўлида" лойиҳаси доирасида "Ёшларнинг интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш — муҳим вазифамиз" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Сирдарё вилоят партия кенгаши масъул ходимлари, "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этдилар.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳозирги глобаллашган ахборот муҳити шароитида ёшларда ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатини шакллантириш, уларга ахборот олиш ва тарқатиш борасида тушунчалар бериш, ахборот оламида ёшларнинг иштирокини кенгайтириш ҳамда интернет тармоғи орқали бўлаётган турли ахборот

хуружлари ва мафкуравий таҳдидларга қарши оғоявий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилди. Тадбир давомида сўзга чиққан ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланаётганлиги аҳолининг ахборот олиш имкониятларини кенгайтираётгани, ўз навбатида, фуқароларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш долзарб масала эканлиги тўғрисида тўхталиб ўтилди.

"Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида кўрсатиб ўтилганидек, дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган бир шароитда биз келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизни, фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишимиз кераклигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Шундай экан, партия томонидан ўтказиб келинаётган маъмур йўналишдаги тадбирлар ёшларнинг юртимизда яратилган ахборот макони ва ахборот инфратузилмалари борасидаги билим, кўникмаларини аниқлаш имкониятини яратди, — деди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Валижон Тўйчиев.

Шунингдек, маъмур мавзуда Гулистон қурилиш касб-хунар коллежида ўтказилган тадбирда

"Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий таракқиётида ахборот хуружлари ва уларнинг салбий оқибатлари", "Ахборотланган жамиятда интернет ва ёшлар ахлоқи" каби мавзуларда маърузалар тингилди.

Иштирокчилар таъкидлаганидек, ҳозирги кунда ёшларимиз асосан ахборот таъсири ва муҳитида мустақил ҳаётга тайёрланади. Бироқ ахборотлар қандай бўлмасин, ёшлар онгига, кайфиятига, хиссиётларига салбий ёки ижобий таъсир қилувчи омилдир. Бу аса кенг жамоатчилик олдига ёшларимиз маънавиятини юксалтириш, уларда ҳар бир ахборот тарқатилишидан қўзланган туб мақсадни фарқлай олиш кўникмаларини мустаҳкам шакллантиришнинг тақозо этади.

Тадбирлар якунда ёшларнинг ахборот хавфсизлиги, интернетдан фойдаланиш маданияти ҳақида фикр доирасини кенгайтириш мақсадида мавзуга доир анкета сўровномасига берган жавоблари таҳлил этилди.

Беҳзод АБДУЛЛАЕВ,

Гулистон шаҳар кенгаши раиси

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилоят ташкилоти ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Биз вайронкор ғояларга қаршимиз" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

КОМИЛЛИКА БОШЛАЙДИ

Унда маҳаллий Кенгаш депутатлари, вилоят ички ишлар бошқармаси, суд органлари, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси вилоят бўлими вакиллари, ТТА Урганч филиали ўқитувчи ва талабалари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Учрашувда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг диний-экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолмасликларни мақсадли қилинаётган ишлар, Ўз Ватанига хиёнат этиш ислом динида оғир гуноҳ саналиши, ёшлар тарбияси учун оила, маҳалла, ўқув муассасаси, кенг жамоатчилик масъул эканлиги ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда "Қиёматга қолган қарз" ҳужжатли фильми намойиш этилди. Ушбу фильм ҳақида ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, инсоният таракқиётига, миллий манфаатларимизга зид ғоялар жамиятимиз учун зарарли оқибатлар олиб келишига йўл қўймастик учун ёшлар биргаликда ҳаракат қилиши, вайронкор ғояларга қарши юксак маънавият орқали курашмоқ зарурлигини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, инсоннинг хатти-ҳаракатларини унинг ақли бошқаради, воқеа-ҳодисаларга ўз дунёқарашидан келиб чиқиб муносабатда бўлади. Буларнинг барчаси унинг маънавий дунёси қандай шаклланишига узвий боғлиқ эканлиги назардан четда қолдириб бўлмайди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,

Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби



хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадимиз иқтисодиётини таъминлашга хизмат қилмоқда, — дейди коллеждаги бошланғич партия ташкилоти раиси Дилмуроджон Юсупов. — Партияимизнинг Сайловолди дастурида ҳам бу масала долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шундан келиб чиқиб, битирувчиларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратаёмиз. Аини шу мақсадда ўтказилган "Ёш тадбиркор — элга мададкор", "Менинг бизнес-роям" ва "Ватан таракқиётига менинг ҳиссам" каби мавзулардаги тадбирларнинг давоми сифатида таъкил этилган касблар фестивали уларнинг фаолиятини янада ошириди. Молия муассасалари вакиллари

томонидан бизнес-режа тузиш қондалари, тижорат банкларидан ҳисоб рақами очини ва кредит олиш тартиб-таомиллари тушунтирилди. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истиқдодида 29 нафар йилгит-қизнинг бизнес лойиҳалари билан танишиб, уларга зарур тавсиялар берилди.

Тадбир доирасида 9-синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш мақсадида қол-қолда қолган шароитлар, мавжуд йўналишлар ва ишлаб чиқариш установалари фаолияти билан таништирилди.

Шунингдек, бир гуруҳ ёшлар Ўзбекистон "Адолат" СДП сафига қабул қилинди.

Акбаржон НАЗАРОВ,

"Адолат" муҳбири

КОЛЛЕЖДАН — ТАДБИРКОРЛИККА

"ЁШ АДОЛАТЧИЛАР" ТАШАББУСИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти ташаббуси билан Андижон туманидаги маиший хизмат касб-хунар коллежида "Касблар фестивали" ўтказилди.

Корхона ва ташкилотларнинг вакиллари, тадбиркорлар, мактаб ўқувчилари ва ота-оналар олдига коллеж битирувчилари томонидан тайёрланган кўргазмалар намойиш этилди. Унда иш берувчи корхоналар вакиллари ёшларга мавжуд бўлиши ўринлари юзасидан маълумот бериш, корхонада тайёрланган махсулотларини намойиш қилдилар. Бир неча йилдан буён "Пласт анд сервис" масъулияти чекланган жамияти ва "Хуришд текстиль" хусусий корхонаси кадрлар тайёрлашда келажак билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Тадбирда бу ҳамкорлик ўз самарасини бераётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

2014-2015 ўқув йилида маъмур коллежни 4 та мутахассислик бўйича 298 нафар йилгит-қиз тамомлаган бўлса, улардан 10 нафари тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга

қўйди. Натيجада ёш тадбиркорлар томонидан бир неча янги иш ўринлари яратилди.

— Мен ўтган йили автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик йўналишини таъмомладим, — дейди Абдулхай Назаров. — Бугунги кунда биз, ёшларга яратилган имкониятлардан фойдаланиб, хусусий автомобилларга техник хизмат кўрсатиш установасини бошқармоқдамиз.

Зилола Мамажонова ҳам ана шундай ташаббускор ёшлардан. У тивууччилик касбини эгаллаган. Ёш бўлишига қарамай коллежда тивууччиликдан амалиёт устаси сифатида устозлик қилиш билан бирга малакали дизайнер даражасига етишди. Яратган лойиҳалари чеварларга манзур бўлмоқда.

— Ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнес ва

## ТАДБИРКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН БАНК САРМОЯЛАРИ аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда



### МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга доир лойиҳаларни зарур маблағ билан таъминлашда республикамиздаги тижорат банклари фаол иштирок этиб келмоқда. Мазкур молия муассасалари томонидан оилавий тадбиркорлик, аёллар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ажратилаётган имтиёзли кредитлар жойларда, айниқса, қишлоқларда тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга замин яратиб, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутаяпти.

Ортимизда кулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган ислохотлар, банklar томонидан тадбиркорлик

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Бекобод филиали томонидан 2015 йилда ажратилган хоржий валютадаги узоқ

минг сўм ва Олмалик филиалида 2.766.994,0 минг сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилди.

Ховандларимиздаги кут-барака, турмушимиз фаровонлиги дастурҳонимиз файзи билан ўлчанади. Бу эса ортимизда замин неъматларидан олинган юкори ҳосил, фермеру тадбиркорларимиз сазй-ҳаракати билан тайёрланадиган сифатли озик-овқат маҳсулотлари хажмига ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу боис кейинги йилларда юртимизда айни шу соҳаларда меҳнат қилаётган изланувчан ҳамда фидойи инсонларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш устувор вазифага айланган. Бунда Юрбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қўл келмоқда. Шу мақсадда, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун тадбиркорларга Бек-

ўринлари яратиш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш — бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири. Зеро, интилувчан, зукко, замонавий ёшларда бизнес лойиҳалар кўп. Бироқ ҳар қандай ишбилармонликка оид тааббуснинг рўеби учун молиявий кўмак зарур. Шунинг билан олган банк мутасаддилари ёш мутахассисларнинг тадбиркорликка оид лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида ана меҳнат йигит-қизларга Бекобод филиали томонидан 245.500,0 минг сўм, Олмалик филиали томонидан 443.622,0 минг сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар ажратилди.

Маълумки, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарали ташкил этилиши маҳаллий хомашё маҳсулотлари билан, ички бозорни истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдириш каби долзарб муаммоларни ички имкониятлар ҳисобидан тўлиқ бартараф этиш имконини беради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган ишлар, жумладан, ушбу сектор субъектларини кредитлаш хажмларининг ўсиши ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдиришга сезиларли хисса қўшиб келмоқда.

Олмалик шаҳрида фаолият юритаётган “Farhod Fayz Savdo” хусусий корхонаси раҳбари Ф.Худойберганов “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Олмалик филиали хизматидан мамнуулигини шундай баён этди:

— Биз — тадбиркорларнинг ўз йўналишимиз бўйича эркин ва самарали фаолият юритишимиз учун давлатимиз томонидан берилаётган эътибор ҳамда қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий но-озик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ички истеъмол бозори импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириляпти. Айнан мазкур қарор ижроси доирасида ишбилармонларнинг

рига касб-хунар коллежи битирувчиларини ишта қабул қилдик. Банк сармоясини корхонамиз фаолиятини ривожлантириш баробарида ишчи-ҳодимларимиз рўзгорига ҳам кут-барака олиб кирди.

Хозирда корхонамизда қурилиш учун зарур бўлган 6 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқараямиз. Маҳсулотларимизнинг сифатли ва харидорбоп бўлиши, бозорда ўз ўрни ва макенини топиши учун астойдил ҳаракат қилаямиз. Турдош корхоналар тажрибамизни ўрганиб, тинимсиз изланаямиз. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш кўрсаткичларимиз сезиларли даражада яхшиланиб, иқтисодий манфаатдорлигимиз йил сайин ошиб борапти. Масалан, биргина шу йилда маҳсулот сотишдан корхонамиз ҳисоб рақамига қарийб 169.350,0 минг сўмга яқин маблағ келиб тушди.

— Маълумки, бизнесга тўғри йўналтирилган сармоя муайян миқдордаги фойдани, даромадни олиб келади. Молиявий кўрсаткичлар мустаҳкамлангани сари фаолият кўламини янада кенгайтириш, иш ўринлари сонини кўпайтиришга имкон тувилади. Бизнес юритишининг яна бир шарти эса бир жойда қотиб қолмасдан, янги имкониятларни ахтариш, излаш ва интилувчан иборат, — дейди «Piskent Lider Biznes» масъуляти чекланган жамияти раҳбари Р.Аҳмадҷонов.

— Албатта, бунинг учун ҳам бизга яқин ва ишончли ҳамкоримиз — “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг молиявий мадади кетма-кет бўлади. Шу боис, бу борарда хозирданок банк ҳодимлари билан ўзаро маслаҳатлашиб, пухта бизнес-режани шакллантириш, лойиҳани ҳаёtgа татбиқ этиш орқали корхонамиз иқтисодий қувватини ошириш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича ҳамкор ва ҳамфикрликда иш олиб бормоқдамиз. Зеро, мустаҳкам молиявий таянчга эга тадбиркорлар иши доимо бароридан келаверади.

Шубҳасиз, бундай ютуқ ва натижаларга эришишда банкнинг таркибий тузилмасида амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамияти катта. Хусусан, “Ўзсаноатқурилишбанк”-



субъектларини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бериб келмоқда. Маълумки, бугунги кунда тижорат банклари доимий равишда кичик бизнес субъектлари, айниқса, оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим муассасалари битирувчи ёшларнинг бизнес-режаларини молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банкнинг Тошкент вилоятида жойлашган Бекобод ҳамда Олмалик филиаллари шундай банklar сирасига кирди. “Вақт давомида синалган ишонч” шiori остида фаолият кўрсатишни бошлагандан буён жадал суръатларда ривожланган ҳамда ўзига хос нуфузга эга “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Бекобод ва Олмалик филиаллари доимий равишда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

“Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили асосида иш юритилаётган банкда капиталлашув даражасини оширишга оид ҳукумат қарорларига асосан, капитални етарлича шакллантириш ва ўсиб боришини таъминлаш, узоқ муддатли депозит базани мустаҳкамлаш, шунингдек, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицион фаолиятни кенгайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, мижозлар учун чакана молиявий хизматларнинг янги шакллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, иқтисодий ноҳор ва молиявий нобарқор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ва уларга стратегик инвесторларни жалб этиш банкнинг устувор вазифаси бўлиб келмоқда. Натижада банкнинг молиявий кўмаги ёрдамида ҳудудларда иқтисодий тармоқларни ривожлантириш ҳамда замонавий бозор инфратузилмасини ташкил этиш борасидаги ҳисса ортимоқда.

муддатли кредитлар ҳам аҳоли фаровонлиги ва иқтисодий ривожига катта хисса бўлиб қўшилди. Масалан, филиал томонидан Халқаро тараққиёт уюшмаси (МАР) маблағлари ҳисобидан 3 та инвестицион лойиҳаларга ажратилган икки миллион АКШ доллар миқдоридан хорижий валютадаги имтиёзли кредитлар эвазига Бекобод туманида замонавий интенсив боғлар барпо этилди. Шунингдек, мева-сабзавот, полдиз экинлари ва озик-овқат маҳсулотларини узоқ муддат сифатли сақлаш мақсадида Бекобод шаҳрида музлаткич-омборхоналар қурилди. Бу ўз навбатида, Бекобод шаҳар ва Бекобод туман аҳолисининг узоғини яқин қилиш мақсадида Тошкент шаҳрига, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига катновчи кўп ўринли, замонавий автобуслар ҳам Хитой тараққиёт банки маблағлари кредит линияси ҳисобидан узоқ муддатли хорижий валютадаги кредит эвазига сотиб олинди. Хозирги кунда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Бекобод филиали томонидан жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳам ўз самарасини бериб келмоқда.

Бундан ташқари, Бекобод шаҳар ва Бекобод туман аҳолисининг узоғини яқин қилиш мақсадида Тошкент шаҳрига, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига катновчи кўп ўринли, замонавий автобуслар ҳам Хитой тараққиёт банки маблағлари кредит линияси ҳисобидан узоқ муддатли хорижий валютадаги кредит эвазига сотиб олинди. Хозирги кунда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Бекобод филиали томонидан жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳам ўз самарасини бериб келмоқда.

Изчил амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2016 йил 1 апрель ҳолатида кўра, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Бекобод филиали умумий активлари 19.896,4 миллион сўмга, жами капитал миқдори эса 151,3 миллион сўмга етди. Олмалик филиали умумий активлари 11.226,0 миллион сўм, жами капитал миқдори эса 626,0 миллион сўмни ташкил этди.

Ўз навбатида, Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банklarининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитларни улушини кўпайтириш рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Бекобод филиалида 10.351.000,0

обод филиали томонидан 2.710.000,0 минг сўм ва Олмалик филиали томонидан 1.333.395,0 минг сўм миқдордан кредитлар ажратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий но-озик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ички истеъмол бозори импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириляпти. Айнан мазкур қарор ижроси доирасида ишбилармонларнинг



Бекобод филиали томонидан 3.283.000,0 минг сўмлик ва Олмалик филиали томонидан 225.000,0 минг сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди.

Хотин-қизларни иқтисодий-тимиз тармоқлари, хусусан, оилавий бизнесга жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар ижросида ҳам молия муассасаси ўз сармоялари билан фаол қатнашиб келмоқда. Чунончи, мазкур йўналишдаги вазифалар ижроси учун Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, Бекобод филиали томонидан 6.361.700,0 минг сўм ва Олмалик филиали томонидан 375.650,3 минг сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчилари учун янги иш

банк”нинг Олмалик филиалидан олган 60 000 минг сўм кредит маблағи ишимизга барака киритди. Ушбу маблағ эвазига қурилиш материаллари ишлаб ишлаб чиқариш учун хомашё сотиб олдик. Ушбу ажратилган кредит қўмағида халкимизга зарур бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқармоқдамиз.

Лойиҳани амалга ошириш эвазига яратилган иш ўринла-

нинг Бекобод ва Олмалик филиаллари фаолияти мисолида айтиш мумкинки, бугун банк филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган сармоялар бу ҳудудларда тоғ-кон, қурилиш, нефть-газ, кимё, энергетика, озик-овқат, фармацевтика, енгил саноат, транспорт ҳамда бошқа тармоқлар ривожига янада кенг йўл очмоқда.

**Шунингдек, тижорат банклари ишбилармонлик муҳитини тубдан янгилаш, мижозлар учун энг кулай шарт-шароитлар яратиш, уларга хизмат кўрсатиш савиясини янада ошириш, фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этган ҳолда мижозларнинг ишбилармонлик имкониятларини ҳамда турмуш фаровонлигини оширишга муносиб хисса қўшиб бораверади.**

**Нурмуҳаммад ЭҒТАШЕВ, Бекобод филиали иқтисодий таҳлил ва ташқи иқтисодий фаолият хизмати 1-тоғфали мутахассиси. Зайнобиддин АБДУСАМАДОВ, Олмалик филиали кредит операциялари бўлими мутахассиси**

### 2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Мирзачўл туманидаги партиядошларимиз “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ўз иш фаолиятида аҳолининг кенг қатламлари орасига кириб бориш орқали партиянинг ғояларини тарғиб қилиш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижросини таъминлашда фаол қатнашиб келмоқдалар.

### ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ жамият равнақига хизмат қилади

Шу мақсадда тумандаги мавжуд 4 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ва 8 та кишлоқ фуқаролар йиғинларида туман партия кенгаши томонидан “Соғлом она — соғлом жамият — порлоқ келажак” мавзусида давра суҳбатлари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Ушбу тадбирларда маҳаллаларда соғлом авлод тарбияси, ёшлар бандлиги ва атроф-муҳит озодлиги, аҳолининг тиббий ва экологик маданиятини юксалтириш орқали хар томонлама соғлом муҳитни шакллантириш масалалари доирасида фикр-мулоҳазалар юритилмоқда.

— Маълумки, аҳоли турмушининг сифат даражасини яхшилаш, хар бир оиланинг яшаш шароитини юксалтириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли мезонларини қарор топтириш орқали жамият фаровонлигини таъминлаш “Адолат” СДП дастуридаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади, — дейди халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Холмуҳаммад Абдураимов. — 44 минг нафардан ортиқ аҳоли истикомат қилаётган туманимизда экологик муносибликни таъминлаш, коммунал-ободонлаштириш идоралари ишнини такомиллаштириш, кичик бизнесни диверсификациялаш ва модернизациялаш орқали даромадли иш ўринларини кўпайтириш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида кичик инновацион корхоналарни ташкил этиш, мукобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш лозим.

Ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, долзарб муаммоларни ҳал этиш, жамоатчилик назоратини қучайтиришда партиянинг бошланғич ташкилотлари билан яқин алоқада иш олиб бориш мумкин. Кўйи партия ташкилоти фаолияти учун яна бир муҳим жиҳат — ижронин назорат қилиш, ҳисобдорликни таъминлашдан иборат.

Муҳокама, фикр алмашув тарзида ўтказилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари ва семинарларда мавзуга оид тақлиф ва мулоҳазалар ўртага ташланиб, зарур тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

**Сирғабой БАРАТОВ, Мирзачўл туман кенгаши раиси**

### Кичик бизнес субъектлари диққатига!

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ИИБ УЯ 64/ТХ-10 муассасаси ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: “Фаргона вилояти ИИБ УЯ 64/ТХ-10 муассасаси биносини мукаммал таъмирлаш”.

Бошланғич нархи: 1 423 418 174 сўм ҚҚС билан; 1 186 181 812 сўм ҚҚСиз.

Муддати — 01.09.2016 йил.

Манзил: Фаргона шаҳар П.Маҳмуд кўчаси 25, тел: 0 (373) 244-86-50 факс.

Қурилиш-монтаж ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: Фаргона вилоят ИИБ УЯ 64/ТХ-10 муассасаси.

Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови 100%. Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдоридан айланма маблағга (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фаргона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фаргона шаҳри, ал-Фарғоний 36 уй, телефон/факс: (373)244-68-90, 998-98-276-25-48

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 100 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб қуни ва вақтига қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин (қуни ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади) Фаргона шаҳри, ал-Фарғоний 36-уйда ўтказилади.

# НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИХАЛАРИНИНГ коррупцияга қарши экспертизаси

## ► «АДОЛАТ» ШАРҲИ

Инсон, жамият ва давлат учун катта хавфга эга бўлган ва бир вақтнинг ўзиде жамият ҳаётининг барча соҳаларига салбий таъсир ўтказадиган коррупция омиллари бугунги кунда нафақат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва хавфсизлиги учун таъсир ўтказди, балки фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини бузади ва тadbirkorликнинг ривожланиши учун тўсқинлик қилади.

Коррупция билан курашиш Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислохотларнинг муҳим аҳамиятга эга йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарққибат кафолатлари» асарида ҳам коррупция ислохотлари йўлидаги тўсқин ва давлатимизнинг миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид сифатида баҳоланади.

Коррупцияга қарши кураш, уни бартараф этиш кўп ҳолларда унга сабаб бўлувчи омилларни, ҳолатларни ва шарт-шароитларни аниқлашдан ва уларни бартараф этишдан, шунингдек, унга қарши комплекс курашдан иборат бўлади.

Мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар самардорлиги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли, нафақат қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчиликка мувофиқлаштиришни таъминлаш, балки уларда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан суиистеъмолликларнинг амалга оширилиши, амалиётда коррупциянинг турли шакллари вужудга келишига олиб келувчи нормаларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Хусусан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ норма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомда белгиланган. Унга қўра, Адлия вазирлигига амалдаги қонун ҳужжатларида «ок доллар» ни, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида коррупциянинг келиб чиқишига, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шароит яратиб турган қонунлар ва нормаларни аниқлаш юзасидан вазифа юклатилган.

Бундан ташқари, 2012 йил 24 декабрда янги тахрирдан қабул қилинган «Норматив-

ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» ги қонуннинг 22-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси давомида мазкур лойиҳаларнинг уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек, тadbirkorлик субъектлари учун асосий харажатлар қилиншига олиб келувчи ортқича маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қонунлар ва нормалар бор-



йўқлигини аниқлаш нуктадан назардан ҳам таҳлилни амалга оширади.

Шу ўринда, коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш вақтида адлия органлари ходимларига йўналиш ва қўлланилаётган лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услуби таъминланган.

Мазкур соҳадаги муносабатларни янада такомиллаштириш ва барқарорлаштириш мақсадида, шунингдек, Услубиётга янги даража бериш учун 2015 йил 25 декабрда Адлия вазирлиги томонидан Услубиётнинг янги тахрири идоровий-норматив ҳуқуқий ҳужжат сифатида тасдиқланди.

Услубиётни ишлаб чиқиш вақтида Европа Иттифоқи ва МДХ мамлакатларининг ушбу соҳадаги ижобий ҳуқуқий таътибга солиш амалиёти батафсил ўрганиб чиқилди. Хусусан, ўрганиш давомида коррупцияга қарши экспертизанинг предмети, нормаларда ўз ичига олиши мумкин бўлган коррупциявий омилларнинг турларига алоҳида эътибор берилди.

Қабул қилинган Услубиёт мазмунида ҳуқуқни қўллаш жараёнида коррупцион қўриқчиларга олиб келиши мум-

## Партия давлат бошқаруви органлари, назорат этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчиликка амал қилиниши устидан назоратни кучайтириш, қонунчилик меъёрларини бузишга, уларни нотўғри ва эркин талқин этишга, тўрачилик, расмийчилик, коррупцияга йўл қўймаслик тарафдори.

(Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан)

қин бўлган коррупциявий омилларни аниқлаш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбе-

органи ходимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқа масалалар ёритиб ўтилган.

Услубиётга қўра, коррупцияга қарши экспертизанинг вазифалари сирасига лойиҳаларда коррупцион ҳуқуқбузарликлар содир этишга имконият яратувчи коррупциявий омилларни аниқлаш; коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этиш мумкинлигига доир қисми бўйича лойиҳани қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолаш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупцион тусдаги хавфларнинг вужудга

келиши имкониятларини пронозаллаштириш киритилган.

Коррупцияга қарши экспертиза қонунийлик, ҳуқуқни қўллаш нормаларининг шаффофлиги ва барқарорлиги, ҳолилик ҳамда мустақиллик тамойилларига асосланади.

Коррупциявий омиллар деганда ҳуқуқни қўлловчиларга асосан равишда қўриб чиқишнинг кенг доирасини ёки умумий қондалардан чиқувчи истисноларни асосан қўллаш имкониятини белгилловчи, жисмоний ва юридик шахсларга оид аниқ, бажарилаши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талабларни, шунингдек, ҳуқуқни тартибга солишдаги бўшлиқларни ўз ичига олган лойиҳаларнинг нормалари тушунилади.

Услубиётда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган жами 22 та омиллар кўрсатиб ўтилган.

Мазкур омиллар асосида адлия органлари томонидан бир неча норматив-ҳуқуқий ҳуж-

**Хулоса ўрнида шунини айтиб ўтиш лозимки, коррупциянинг олдини олишга қаратилган тизимли тadbirkorлар амалга оширилиши, шу жумладан, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётининг тасдиқлиниши Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши олиб борилаётган сиёсатни янада кучайтиришга ва халқаро ҳамжамиятда бу борадаги ўрнини оширишга олиб келади.**

Искандар МУСУРМОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими

## Хуқуқий маслаҳат

— Ёшим 25 да. Бир заводда 3 йил ишладим. Корхона тугатилиши билан ишдан бўшатилдим. Шундан сўнг ўзим мустақил равишда ишга жойлаша олмадим. Аниқлик киритиб берсангиз, ишсиз, деб эътироф этилишим мумкинми?

С.Бердиев, Қашқадарё вилояти

— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 60-моддасига қўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишига бўлган ёшдаги;

— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 60-моддасига қўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишига бўлган ёшдаги;

— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 60-моддасига қўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишига бўлган ёшдаги;

— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 60-моддасига қўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишига бўлган ёшдаги;

— Ҳарбий хизматга чақирилганим сабабли ишдан бўшадим. Ҳарбий хизматни ўтаб бўлганимдан кейин аввалги ишимга жойлашишимга кафолат борми?

Т.Рамазонов, Бухоро вилояти

— Меҳнат кодексининг 68-моддасига қўра, ҳарбий хизматга чақирилган (ўтган) ходим резервага бўшатилган ёки истеъфога чиққанидан кейин, башарти, Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучлари сафидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фаёқуллода вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатилган қундан бошлаб узови билан уч ой ичиде ишга жойлашиш масаласида иш беришга мурожаат этган бўлса, аввалги иш жойида ишга жойлашиш ҳуқуқига эгадир.

— Ҳарбий хизматга қақирилган (ўтган), лекин кейинчилик резервага бўшатилган ёки истеъфога чиққан ходим, агар унинг ҳарбий хизматга қақирилган (ўтган) қундан бошлаб уч ойдан ортқич вақт ўтмаган бўлса, аввалги иш жойига (лавозимига) қайтиб келиш ҳуқуқига эга.

Саволларга Меҳнат вазирлиги давлат меҳнат ҳуқуқи инспекцияси мутахассиси Нодир ТЕШАЕВ жавоб берди.

— Оммавий ахборот воситаларида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар» жумласи тез-тез қўлланилади. Айтинчи, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига қандай ҳужжатлар кирди?

С.Норбеков, Избоскан тумани

— Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» ги қонуни 3-моддасига асосан, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ушбу қонунга мувофиқ қабул қилинган, умум мажбурий давлат қўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир».

— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 60-моддасига қўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишига бўлган ёшдаги;

— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 60-моддасига қўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишига бўлган ёшдаги;

— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 60-моддасига қўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишига бўлган ёшдаги;

— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 60-моддасига қўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишига бўлган ёшдаги;

— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 60-моддасига қўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишига бўлган ёшдаги;

— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 60-моддасига қўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишига бўлган ёшдаги;

— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 60-моддасига қўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишига бўлган ёшдаги;

— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 60-моддасига қўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишига бўлган ёшдаги;

— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 60-моддасига қўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишига бўлган ёшдаги;

— Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 60-моддасига қўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишига бўлган ёшдаги;

# ҲИММАТНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

## ► ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Халқимизда «Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи» деган пурҳикмат нақл бор. Бу тушунган, қадрини билган инсон бир марта хато қилгандаёқ ундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олишига ишорадир. Аммо орамизда ҳар қанча қоқилмасин, қинғир ишдан ўзини тия олмаган кишилар ҳам йўқ эмас.

Бир куни Поп туманининг Олтинкор шаҳарчасида яшовчи Шокиржон Холбожонов таниши Хожиақбар (Мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) билан тортишиб қолди. Охирикват тортишув шу даражага бориб етдики, Хожиақбар Шокиржоннинг ўнг бикинига пичок санчди. Бу воқеа кечки соат 21:30ларда Ш.Холбожоновнинг дарвозаси яқинида содир бўлганди. Шу боис у «Мени пичоқлаб қўйди» дея бикинини чағаллаган қўйи уйидагиларни чақирди.

Шаҳарча «Тез тиббий ёрдам бўлими» ходимлари томондан биринчи тиббий ёрдам қўрсатилганидан сўнг хотини Дилором ва

укаси Шухратжон уни дархол туман марказий шифохонасига олиб боришди. Уша пайтда шифохонанинг «Шошилич тиббий ёрдам бўлими» да жаррох Хусан Мирхамидов тунги навбатчиликда эди. Рентген қўригидан кейин у беморни операция қилди.

Операция тунги соат 02:30ларда якунланди. Бироз нафасини рост-лағач, Х.Мирхамидов Шухратжонни хонасига чақирди.

— Мен акангни оёқка турғизиб бераман, қўрмагандек бўлиб кетсан, — деди у.

— Раҳмат, ака, яхшилигингизни ерда қолдирмайман. Хизмат ҳақингизни айтаверинг, — деди жабранувчининг укаси.

— Ҳиммат қилиб, шароитингга қараб бераверсан.


Мана шу сўхбат боис Шухратжон уйига бориб, эрталаб кайтиб келди. Келди-ю, навбатчиликни топираётган Хусан Мирхамидовга учраб, унинг чўнтагига 50 000 сўм пул солиб қўйди. Шифокор эса пулни санаб ҳам ўтирмади. Качонки у туман дехқон бозоридан рўзгорига ул-бул харид қилгандагина ўша пулни миқдорини билди.

Орадан 3 кун ўтгач, Х.Мирхамидов Шокиржон ётган хонага кирди.

— Шухратжон келмадингми? — деб сўради у.

— Йўқ. Тинчликми, дўхтир, нима гап? Бирор гап бўлса, менга айтаверинг, — деди Шокиржон оғриқка базўр чидаб.

— Укангиз операция учун боришга элик минг сўм бериб кетибди. Мен оддий қўричакни ҳам юз элик минг сўмга операция қиламан. Сизники эса қўричакдан оғирроқ эди.



— Майли ака, яна қанча беришимиз керак? — сўради бемор.  
— Ҳеч йўқса, юз минг сўм — қўричакнинг ҳақини беринглар, — деди шифокор дангалига.  
— Ҳўп. Аммо ҳозир ёнимда пулим йўқ эди. Укамга айта-

ман, пул олиб келади.

Лекин нафис ўпкон Х.Мирхамидов бунга кўнамай, Дилоромхонга буюрди:

— Ҳўжайинингизга ҳамширалар қараб туради. Сиз уйингизга бориб, пул олиб келинг.

Шифокорнинг гапи аёли эсанкиратиб қўйди. Ахир анча-мунча бағритош инсон ҳам бундай сурбетлик қилмас керак.

Шу боис Дилоромхон уйига эмас, СВОЖДЛКК департаментининг Поп туман бўлимига борди. Яъни, Х.Мирхамидовга нисбатан қонуний чора қўришларини сўраб ариза берди. Натияжада

таъмагир шифокор тиббиёт бирлашмаси ёнида жойлашган туман ўсимликларни химоя қилиш бўлими ҳовлисида, ўзининг «Тико» автомашинасида Шухратжон Холбожоновдан 100 000 сўм пулни олган вақтда ушланди. Пировардида унга

нисбатан Жиноят кодексининг 214-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Х.Мирхамидов тергов жараёнида ҳам, суд мажлисида ҳам қилмишидан пушаймонлигини билдириб, айбига тўлиқ иқроор бўлди. Бинобарин, Жиноят ишлари бўйича Чуст туман суди ана шу ҳолатларни ҳам инobatта олиб, қонуний жазо тайинлади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоиз, Шоқиржонга оғир тан жароҳати етказган Хожиақбарга ҳам қонуний чора қўрилди.

Сўзимиз аввалида «Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи» деган нақлни бежиз келтирмадик. Чунки Х.Мирхамидов мукаддам касби юзасидан ўз вазифасини лозим даражада бажармаганлиги оқибатида беморнинг ўлимига сабабчи бўлиб, Жиноят кодексининг 116-моддаси 4-қисми «а» бандига биноан жинорий жавобгарликка тортилган. Бирок пушда ҳам қўзи очилмаган, шекилли, яна тақдоран жиноятга қўл урди. Энг ачинарлиси, айна нафақа ёшида оқ халатига яна бир қарра қора доғ туширди.

Саиджон БАДРИДИНОВ,  
Жиноят ишлари бўйича Чуст туман судининг судьяси

# ЯНГИЛАНИШЛАР

## МУНОСИБ ТУРМУШ ТАРЗНИ ШАКЛЛАНТИРМОҚДА

### ➤ МАХАЛЛА — ҲАЁТ МАКТАБИ

...Урта мактабни тамомлаб, олий ўқув юртига киришга ҳозирлик кўраётган Дилоромхонни ўқитувчилари қақриб қолишди. "Ички ишлар бўлими паспорт бўлинмаси ходимлари билимли ёшлардан топиб беришимизни илтимос қилишди. Биз сени тавсия қилдик", дейишди устозлари. Натижада битирувчи қиз бўлинмага ишга қабул қилинди.

Айни воқеа Риштон туманидаги "Мискин" маҳалла фукаролар йиғини раиси, истеъфодаги милиция майори Дилором Назированинг ҳаётида бундан 42 йил муқаддам содир бўлган. Шундан сўнг қаҳрамонимиз хизматдан ажралмаган ҳолда Кўкон давлат педагогика институтига сирдан ўқиб, олий маълумотга эга бўлди. Ўзига билдирилган ишончни оқлагани боис, кейинчалик уни инспектор вази-фасига ўтказишди. 1991 йилда эса ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи этиб тайинланди.

Мана шу тарихи Дилором опа 2006 йилга қадар ички ишлар тизимида хизмат қилди. Ўттиз икки йиллик самарали меҳнати зое кетмади, албатта. Ўша йили Президентимиз фармонида биноан "Шухрат" медали билан тақдирланди.

Нафақага чиқкандан сўнг уни маҳалладошлари ўзларига раис этиб сайлашди.

Истиклолнинг ўтган йиллари мобайнида маҳалла институтининг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш борасида мислсиз илмий қадамлар ташланди. Бизнинг "Мискин" маҳалла фукаролар йиғини ахлининг бугунги фаровон турмуш тарзи, худудимизда амалга оширилган янгиланишлар ҳам буни тасдиқлаб турибди, — дейди Дилором Назирова.

Дарҳақиқат, айни пайтда мазкур маҳалла нафақат Риштон туманидаги, балки вилоятдаги 1039 та маҳалла фукаролар йиғинлари орасида энг намуналилардан бири ҳисобланади. Ушбу маҳаллада 2020 нафар юрдошимиз 525 та оилага бирлашган ҳолда умргузаронлик қилишяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маҳалла фукаролар йиғинида ташкил этилган "Ойлага кириш", "Бандлик", "Саломатлик", "Таълим ва тарбия" ҳамда "Жинойтчилик профилактикаси" секторлари фаолияти муваффақиятларнинг асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Улар туман ҳокимлиги, туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, "Қамолот" ЁИХ туман кенгаши, ИИБ профилактика инспектори билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Масалан, "Бандлик" секторининг саъй-ҳаракатлари билан маҳаллада оилавий тadbиркорлик ва миллий хунармандчилик сезиларли даражада раванак топди. Бугун "Мискин" маҳалласида 62 тадан орტიқ тadbиркор ва хунарманд оилалар бор. Бу эса 142 нафар футури карони доимий иш билан таъминлаш баробарида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга хизмат қилмоқда. Жумладан, уста кулол Сардор Хотамов 10 нафар маҳалладошнинг доимий иш билан таъминлаган. Ўтган йили у 30 миллион сўмлик кулолчилик маҳсулотларини хорижга экспорт қилди. Янги тикувчилик пехини ташкил қилган тadbиркор Бектош Абдулҳаев эса 15 нафар ёш тикувчи қизларни ишга қабул қилди.

Бундан ташқари, 2015 йил якунидаги фермер хўжаликларини фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнида Лазиз Тешабоев, Барно Мансурова, Таваккал Мингбоев, Хулқарой Ма-



матова, Жуманазар Дехқонов, Назокат Эргашева ва Рустам Усмонов 7 та лойиҳа бўйича ўтказилган тендер танловларида роликликни қўлга киритиб, "Истиклол" ММТП худудидаги 46 гектар ерда боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил қилишди. Энг эътиборлиси, мазкур хўжаликларда 40 нафардан орტიқ фуқаро иш билан банд бўлди. Ажратилган майдонларга олма, ўрик, шафтоли каби қўчатлар экилди. Қўчатлар орасида эса мална ва мош экиб, даромад олиш режалаштирилган.

Маълумки, ҳар қандай фарзанд оила боғида ўсиб улғаяди, тарбия топади. Унинг келажакда нечоғди қомил ёки ноқомил инсон бўлиб вояга етиши эса, ҳеч шубҳасиз, оилада берилган тарбияга боғлиқ. Қолаверса, ўша фарзанд тарбия топаётган муҳит, яъни маҳалла-қўй, таълим муассасасидаги ҳолатлар ҳам айни масалада муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ота-она ва маҳалла жамоатчилигидан, устозлардан

жиддий масъулият талаб қилади. Шунинг учун МФЙнинг "Ойлага кириш", "Бандлик", "Таълим ва тарбия" ва "Жинойтчилик профилактикаси" секторлари томонидан "Ойла-мактаб-маҳалла" ҳамкорлиги доирасида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ёки бирон-бир ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишларини таъминлашга, туман хотин-қизлар кўмитаси, ФХДЁ бўлими вакиллари иштирокида мунтазам равишда учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказиб борилмоқда. Ана шундай соғлом маънавий муҳит туфайли 2015 йилда оилавий ажримлар қайд қилинмади.

Дилором опанинг мамну-лик билан таъкидлашича, тегишли давлат дастурига биноан жорий йилда йиғин биноси капитал реконструкция қилинади. Бу ҳам ташаббускор раиснинг саъй-ҳаракатлари самарасидир.

асорини ўрганишмоқда. Умуман олганда, бугун 117 нафар риштонликлар марказда 6 та гуруҳга бўлинган ҳолда япон тилидан сабоқ олмақда.

Яна бир гап. Оилалар мустақамлигини таъминлаш, қизларни турмушга тайёрлаш ва эрта никоҳнинг олдини олиш мақсадида маҳалладаги кўп йиллик ҳаёт тажрибасига эга бўлган оила соҳиблари, туман хотин-қизлар кўмитаси, ФХДЁ бўлими вакиллари иштирокида мунтазам равишда учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказиб борилмоқда. Ана шундай соғлом маънавий муҳит туфайли 2015 йилда оилавий ажримлар қайд қилинмади.

Дилором опанинг мамну-лик билан таъкидлашича, тегишли давлат дастурига биноан жорий йилда йиғин биноси капитал реконструкция қилинади. Бу ҳам ташаббускор раиснинг саъй-ҳаракатлари самарасидир.

Хуршид СУЛТОНОВ,  
журналист

Адхамжон ҲАСАНОВ:

# "680" ЙИЛЛИККА МИНГ ҚАДАМ

➤ Давоми. Бошланғич 1-бетда

Муҳбиримизнинг у билан суҳбати сафар таассуротлари ҳақида бўлди.

— "Кичик марафон" деб атаганимиз бу пиёда сафарга республикамизнинг турли жойларидан 6 нафар меҳнат фахрийси — Абдулхофиз Хуррамов, Абдуҷаббор Холбоев, Мавлонжон Хўжаев, Ахтамжон Исмаилов, Қобилхожи Умаров ва мен тўпланим. Ёшларимиз 60-70 ёшлар орасида бўлганлиги сабабли жиддий тиббий кўриқдан ўтдик. Пиёда сафаримиз учун "Буёқ давлат арбоби, улур саркарда, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига 680 минг қадам", деган ғояни шior қилиб танладик. Бундай жиддий сафардан мақсад, биринчидан, Соҳибқирон Амир Темур босиб ўтган йўللардан юриш, улур саркарданинг ҳаётига боғлиқ бўлган жойлар билан танишиш, унинг бунёдкорлик фаолиятига алоқадор масканларни, тарихий иморатлар, иншоотларни кўриш эди. Иккинчидан, юртимизда бугунги кунда амалга оширилаётган улурвор ишлар билан, халқимизнинг фидойилиги, меҳнатсеварлиги эвазига янада обод бўлаётган гўзал кишлоқлар, овуллар, туманлар, шаҳарлар билан яқиндан танишиш эди. Айтиш мумкинки, бу эзгу мақсадларимиз тўла амалга ошди.

Пиёда сафаримизни 25 мартда Хोजа Йилгор кишлоғидан бошладик, кейин Шаҳрисабз шаҳри, Мингчинор кишлоғи, Китоб тумани йўллари, қадимий Тахта Қорача девони, Ургут, Тайлоқ туманларидаги боғлар, Самарқанд шаҳри, Жомбой, Булунгур, Галлаорол, Жиззах туманлари йўллари, Сирдарё, Бахт шаҳарлари, Чиноз, Янгийўл туманларидаги кишлоқлар, обод йўллари орқали ўтиб, 7 апрелда Тошкент шаҳрига етиб келдик. 13 кун давомида 450 километрдан ортиқ масофани яёв босиб ўтдик. Маълумки, Амир Темур бобомизнинг ҳам мана шу йўللарида излари қолган. Маълумки, Соҳибқирон Хोजа Йилгор кишлоғида таваллуд топан, Шаҳрисабзда ниҳоятда улурвор қурилишлар қилган, Мингчинорда ҳаёт йўллари кечган, Хисор, Зарафшон тоғ тизмаларида лашкарлари билан харбий машқлар ўтказган, Самарқандни мамлакат пойтахти қилиб танлагани, уни обод, гўзал шаҳарга айлантирган, атрофларида ўнлаб боғлар, дам олиш масканлари барпо эттиргани тарихдан маълум. Жиззах тоғлари, Мирзачўл бағрида қароқоройлар, сардобалар қурдирган. Сирдарё соҳилларида Шохруҳияни бунёд қилдириб, уни кечув ва порт шаҳрига айлантирган. Чиноз ва унинг атрофларида юрт озодлиги учун Лой жанги кенганлиги тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган. Тошкентда жуда кўп мадрасалар, мақбаралар, хонақоқлар, ёдгорликлар тиклатганини халқимиз яхши билади. Сафаримиз давомида биз ана шу жойларни бориб кўрдик. Гўё Соҳибқирон руҳи билан диллашгандек бўлдик.

Шу билан бирга, бу жойларда бугунги кунда катта бунёдкорлик, яратувчилик ишлари олиб борилаётганига ҳам гувоҳ бўлдик. Айниқса, Шаҳрисабз ва Самарқандда, Жиззах ва Тошкентда ҳам тарихий масканларни обод қилиш, қайта қуриш, ҳам замонавий, миллий шарҳозилик намуналарини бунёд этиш борасида ҳайратомуз ишлар қилинмоқда. Сафаримиз давомида халқимиз ниҳоятда меҳнатқаш, меҳмондўст эканлигига яна бир қарра амин бўлдик. Жойларда учрашувлар ўтказиш билан бирга кўкаламзорлаштириш, боғ яратиш ишларида қатнашдик. Боғларга, йўллар, мактаблар, болалар боғчалари атрофларида турли қўчатлар ўтказдик. Қанча меҳнатсевар, фидойи инсонлар билан танишдик. Сафар калбимизда бир олам қувончли туйғулар уйғотди.

Сафаримиз Тошкентда 9 апрелда Амир Темур бобомиз хайкали пойига гул қўйиш ва бу ерда ташкил этилган анжуманда иштирок этиш билан якунига етди. Биз, меҳнат фахрийлари бундай сафарларни келгусида ҳам амалга ошириш ниятини билдирдик.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вакили сифатида аввал ҳам бундай сафарларда иштирок этганман. 2014 йилда велосипедда Қозғонистон, Россия, Белорусе мамлакатларини кезиб чиққанман. Партияимизнинг мақсади, олиб бораётган ишлари билан одамларни таништирганман. Бу галги сафаримиз давомида ҳам партияимизнинг адолат ҳимоячиси эканлигини тартиб қилдим. Мени ана шу сафарим давомида қўллаб-қувватлаб турганлиги учун партиядошларимизга миннатдорлик билдираман.

М.КАМОНОВ ёзиб олди

## ФАХРИМИЗ, ФУРУРИМИЗ

### ➤ ТАДБИР

Мамлакатимизда буёқ саркарда, давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан ўқув муассасалари ва ташкилотларда маънавий-маърифий кечалар, илмий анжуманлар бўлиб ўтмоқда.

Ана шундай тadbирлардан бири республика "Агробанк" АТБнинг фаоллар залида ўтказилди. Унда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши аъзоси, "Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока" журналилари бош муҳаррири вази-фасини бакарувчи, шior Сирожиддин Раупов иштирок этиди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур маънавий-маърифий тadbир он-лайн орқали "Агробанк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоят бошқармалари жамоаларига ҳам намойиш этилди.

— Улуғ бобоқалонимизнинг бой маънавий мероси бизнинг улкан ҳазинамиздир, — дейди "Агробанк" АТБнинг банк методологияси ва тренинги маркази бошлиғи Ойбахор Шарипова. — Биз бундай ҳазина билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Қўтаринки руҳда ўтган тadbир йиғиланларда катта таассурот қолдирди.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

# ЖИНОЙИ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

### ➤ АМАЛИЁТ

Жинойтчиликка қарши кураш борасидаги халқаро ҳамкорлик амалдаги халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва миллий қонунчилик асосида келишилган ҳаракатларни ўз ичига олади. Бунда бир неча давлатларнинг ўзаро ёрдами асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жинойтнинг олдини олиш, жинойтни очиш, жинойт содир этилишини тўхтатиш, тергов қилиш ва жинойт ишларини кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш каби ишлар билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги бир қатор икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларнинг фаол иштирокчисига айланди.

Жинойтчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорлик ҳалқаро муносабатларнинг алоҳида йўналиши бўлиб, унинг бошқа ҳамкорлик йўналишларидан фарқли жиҳатларини кўрсатувчи бир қатор ўзига хос белгилари бор.

Аввало, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг предмети — жиноят ва жиноятчилик ҳисобланади. Халқаро жиноятлар сифатида инсоният тараққиётига, тинчликка, давлатлар, халқаро ҳамжамият, шахснинг ҳаётини муҳим манфаатларига таҳдид қилувчи, халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларини бузувчи ўта оғир жиноий қилмишлар тан олинади.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти йўналишларидан бири ҳисобланади ва бунда халқаро ҳуқуқ субъектлари билан бирга миллий ҳуқуқ субъектлари

ҳам иштирок этади.

Ҳозирги даврда жиноятчиликка қарши ҳамкорликда курашиш мақсадида махсус халқаро ташкилотлар тузилган бўлиб, ушбу ташкилотлар БМТнинг резолюцияларида "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳамкорлиги бўйича халқаро ташкилотлар", "Халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари", "Халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" номлари билан аталган.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро ташкилотлар бирламчи субъектлар, яъни давлатлар томонидан шахс, жамият, давлат манфаатларини халқаро, халқаро аҳамиятдаги, трансмиллий ёки бошқа кўринишдаги жиноий тажовузулардан ҳамкорликда муҳофаза қилиш мақсадида тузилади.

Бирламчи субъект сифатида давлат ўз худудида жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги сиёсатини ишлаб чиқади; жиноий суд ишларини юритишнинг моддий ва процессуал ҳуқуқий асослари, жиноий суд ишларини юритишга ваколатли субъектлар доирасини белгилайди. Хар қандай жиноят иши содир этилган ҳудудга нисбатан маълум бир давлат юрисдикцияси таъсир

доирасига тушади ва фақат ўша давлат қонунчилиги бўйича жиноий таъкиб остига олинади. Агар маълум бир давлат худудида содир этилган жиноят сабабли бир неча давлатлар манфаатларига зарар етказилган бўлса ёки жиноят бир неча давлатлар худудида содир этилган бўлса, халқаро шартномаларга мувофиқ бундай қилмишлар учун жиноий таъкиб бир неча давлатларнинг жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги доирасида ёки давлатларнинг ваколатли субъектлари томонидан жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг иккаламчи субъектлари, яъни махсус халқаро ташкилотлар иштирокида жиноий таъкиб остига олинади.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорлик халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқда ўрнатилган нормалар орқали амалга оширилади.

Давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасини тартибга солувчи миллий ҳуқуқ нормаларида халқаро ҳуқуқнинг умумтан олинган принциплари ва халқаро шартномалар нормаларини эътиборга олмастикнинг иложии йўқ.

Маълумки, давлат миллий ҳуқуқ тизими ва халқаро ҳуқуқ тизими алоҳида тизимлар ҳисобланса-да, улар ўртасида мустақам алоқа мавжуд, яъни, миллий ҳуқуқ тизими халқаро ҳуқуқ нормаларининг шаклланишига бевосита таъсир этади. Бу тизимлар ҳуқуқ ижодкорлиги нуқтан назаридан алоҳида мустақил тизимлар ҳисобланса ҳам, ҳуқуқни қўллаш нуқтан назаридан улар бир-бири билан узвий боғлиқ. Чунки жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликни фақат халқаро ҳуқуқ нормалари орқали амалга ошириш мумкин эмас.

Бу жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорлик давлатлар миллий қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилишини билдиради.

Жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини умумий тарзда халқаро шартномалар, соҳага оид миллий қонун ҳужжатлари, хусусан, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги, халқаро шартномаларда назарда тутилган ўзаро келишувларга мувофиқ ҳамкорлик иштирокчисига бўлган давлатларнинг соҳага оид қонунчилиги, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги ташкил этади.

Ушбу йўналишда халқаро шартномалар бирламчи аҳамият касб этади. Чунки халқаро шартномалар жиноий суд ишларини юритиш соҳасида у ёки бу йўналишда иштирокчилар учун субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзга келтиради.

Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги халқаро шартномаларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўлақонли бажариш имконияти шартнома иштирокчисига бўлган давлатлар миллий қонунчилигидаги ушбу йўналишнинг тартибга солувчи ҳуқуқий механизмга боғлиқ. Жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги ҳамкорликка оид халқаро шартномаларга асосан экстрадиция ёки бошқа бир ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ сўровлар ижроси юзасидан процессуал ҳаракатлар давлат миллий қонунчилиги асосида амалга оширилади.

Тўрабек ҚОДИРҚУЛОВ,  
Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг судьяси

Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилоят кенгаши жамоаси Бағдод туман партия кенгаши раиси Муяссар Абдураимовага отаси  
Хабидулла АБДУРАИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ — ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

"BANKEXSPO — 2016"

2016 йилнинг 13-14 апрель кунлари Тошкент шаҳридаги "Кўргазма Савдо маркази" мажмуасида Республика Марказий банки ташаббуси билан "Банк хизматлари, усунчалари ва технологиялари — BankExpo — 2016" IX миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

2008 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўргазмада мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотлари, етакчи сугурта компаниялари, лизинг компаниялари ҳамда ахборот технологиялари компаниялари ўз махсулотлари ва хизматлари тўғрисида батафсил маълумот беришди.

Жумладан, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш борасида хиссаси ортиб бораётган молиявий муассасалардан бири — "Асака" банк ҳам ушбу кўргазмада фаол иштирок этди.

Махфизат ХАЙДАРОВА, "Shahzoda-Mo'jiza" МЧЖ раҳбари (Жиззах вилояти):

— Президентимиз томонидан 2016 йил — "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши юртимиздаги барча оналар, хотин-қизлар сингари биз, жисзахлик аёлларни ҳам беҳад қувонтирди. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, миллат генофондини яхшилаш масаласида давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилган юрда яшайётганимиздан бахтиёримиз.

Амалга оширилаётган илмий ислохотлар натижасида юртимизда оналар ва болалар саломатлик кўрсаткичлари яхшиланган бораётган. Бунда вилоятларимизда, чекка-чекка қишлоқларимиздаги маҳаллалар қошида болалар, мактаб ўқувчилари учун ташкил этилган спорт тўйрақларининг ўрни беқас, албатта. Камона ҳам ақинда бу каби хайрли ишларга хисса қўйиши мақсадида туманимизда "Она ва бола соғломлаштириш маркази"ни ташкил этишга оид бизнес лойиҳа тузиб, "Асака" банкнинг вилоят филиалига кредит беришларини сўраб мурожаат қилдим.

Лойиҳага асосан 16 нафар янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Бу лойиҳа банк мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди ва "Энг яхши тадбиркор аёл" номинациясида гўлиб бўлди. Бугун пойтахтда ўтказилган кўргазмага тақдим қилиниб, лойиҳам асосида имтиёзли кредит ажратишнинг назарда тутилган сертификат тақдим этилди. Бундан беҳад хурсандим.

Фурсатдан фойдаланиб, биз, тадбиркорларга ишонч билдириб, қўлай шартлар асосида имтиёзли кредит ажратаётган "Асака" банк ходимларига миннатдорлик билдираман.

Неъмат ФАТХИДИНОВ, "Люкс Плюс Сервис" МЧЖ раҳбари (Наманган вилояти):

— Маълумки, мамлакатимиз жаҳонда пахта толасини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича етакчи ўринлардан бирида туради. Эътиборлики, юртимизда юксак самарали пахта навлари ештирилади, пахта тозалаш саноати ҳам тўлиқ модернизация қилинган. Бундай сифатли ва мустаҳкам толали газмачалардан тикланган экспорт боп тайёр кийимларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва халқимизга, қолаверса, бошқа хорижий давлатларга экспорт қилиш масаласи долзарблигини йўқотмайди. Шу боис мен ҳам сифатли мато ва газмачалардан энг сўнгги русумдаги эркаслар кийимини ишлаб чиқаришни ниёт қилдим. 50 та янги иш ўрни яратиши кўзда тутилган режамиз асосида бизнес лойиҳа ишлаб чиқилди ва "Асака" банкнинг Наманган шаҳар филиалига тақдим этдим. Кўп ўтмай банкнинг малакали ва хушмуомала мутахассислари бизни пойтахтда ўтказилган кўргазмага тақлим этишди. Кўргазмада бизнинг лойиҳа "Энг кўп қизларни иш ўринлари билан таъминлаган бизнес лойиҳа" деб топилди ва корхонамизга имтиёзли кредит олиш ҳужуқини берувчи сертификат тантанали равишда топширилди. "Асака" банк билан бошланган ҳамкорлигимиз самарали бўлишига ишонаман.

Ирина СИНЮКОВА, "Al-Vair" МЧЖ раҳбари (Тошкент шаҳри):

— Хар қандай илмий, зиёли инсон борки, тафаккури, онгини фойдаланиб ахборот билан бойитишга, дунёқарашини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Бунинг учун китобдан бўлак ишончли ва содiқ ҳамроҳ бўлмас керак. Юртимизда кейинги йилларда адабий, илмий, маърифий китоб ва бошқа турдаги босма махсулотларни ишлаб чиқариш ва мутлола қилишга бўлган эътиҳ ортиб бормоқда. Шу боис нашриётчилар сон кўпайиб, соғлом рақобат юзага келмоқда. Хар бир нашриёт мижозларига янгича турдаги хизматларни тақлим этишга интиломоқда.

Биз ҳам нашриёт махсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида зарур хизматларни сотиб олиш учун "Асака" банкнинг "Аэотранспорт" филиалидан имтиёзли кредит олишга қарор қилдик. Бизнес лойиҳамиз кўргазмада имтиёзли кредит олиш ҳужуқини берувчи сертификатга эга бўлдик.



Маълумки, «Асака» банк капитал ва активлари ҳажми жиҳатидан Ўзбекистонда етакчи банклардан бири саналади. Банк мамлакат иқтисодий ҳаётининг барча иштирокчилари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга интилан ҳолда, ўз олдига мулкчилик шакли ва фаолият қўламлиқ катти назар, барча хўжалиқ юритувчи субъектларга, шунингдек, аҳолининг барча иқтисодий қатламларига хизмат кўрсатиш вазифасини қўйган.

Банк мунтазам равишда ўз таркибий тузилмалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва мамлакатимиз молия бозоридagi иштирокини кенгайтириш бўйича фаол ишлар олиб бормоқда. Ҳозирги кунда банкнинг ҳудудий тармоқ тизими республикамизнинг бутун ҳудудини қамраб

«Асака» банк «Ўзбекистоннинг энг яхши банки», дея бир неча бор эътироф этилди.

Хусусан, банк доимий тарзда халқаро рейтинг агентликлари томонидан юқори рейтинг баҳо-расига бир неча йиллардан бери «Асака» банк фаолиятига юқори рейтинг баҳолари бериб келинмоқда, банк фаолияти «Баркарор» деб таъкидланмоқда. Жорий йилнинг 17 февралда «Moody's» халқаро рейтинг агентлиги «Асака» банк рейтингини тасдиқлади ва барча рейтинглар истикболи «Баркарор», деб топилди. Бу эса «Асака» банкка бўлган ишонч ортиб бораётганидан, банкнинг баркарорлигидан далolat беради.

«Асака» банк жами активлари 2016 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 8 053,8 миллиард сўмини ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2691,5 миллиард сўмга ўсди.

Банк жами капитал 118,0 миллиард сўмга ўсишига эришилди ва 955,7 миллиард сўмга экинчилди. Банк кредит қўйилмалари ва лизинг хизматлари ҳажми 3 895,2 миллиард сўмини ташкил қилди.

Кредит қўйилмаларининг 3 522,9 миллиард сўм миқдорига қисми инвестицион кредитлардир. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш борасида қўриқилган чора-тадбирларда ҳам «Асака» банкнинг хиссаси олиб бормоқда.

Жумладан, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини доимий равишда қўллаб-қувватлаш ва уларга қўрсатилган банк хизматлари турларини кенгайтириш, сифатини янада яхшилаш ва кредит маблағлари ҳажминини кўпайтириш бўйича ишлар фаол давом эттириб, 2015 йилда ушбу мақсадларга 1 триллион 168 миллиард сўм миқдорига кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чораги давомида 332,2 миллиард сўм миқдорига кредит маблағлари ажратилди.

Шу жумладан, аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш ва ривожлантиришга 34,7 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 51,3 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлик ва хунамандчиликни ривожлантириш учун қарий 3,0 миллиард сўм, таълим муассасалари би-тирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 1,8 миллиард сўм миқдорига кредитлар ажратилди. Тадбиркорларга 24,4 миллиард сўм миқдорига микрокредитлар берилди.

Бу эса республикамизнинг барча ҳудудларида, айниқса, меҳнат ресурслари зич жойлашган ҳудудларда хизмат кўрсатиш муассасалари ташкил этиш, маҳаллий махсулотлар ишлаб чиқариш

салохиятини ошириб, республикамиз аҳолисини арзон ва сифатли махсулотлар билан таъминлашни яхшилашга, аёллар тадбиркорлиги, касаначилик ва хунамандчиликни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратишга имконият яратди.

Шунингдек, банк томонидан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиқ корхоналарига молиявий кўмак бериш орқали агротехник тадбирларни ўз вақтида ва самарали ўтказиш, республикамизда узумчиликни ривожлантириш мақсадларига қарий 30,0 миллиард сўм миқдорига кредитлар ажратилди.

Банк томонидан қишлоқ хўжалиқ корхоналарига моддий-техник базасини яхшилаш учун кредитлар ажратилиши ва улардан самарали фойдаланиши, ишларнинг мақсадга мувофиқ ташкил қилиниши натижасида фермер хўжалиқларининг иқтисодий баркарорлигига эришилмоқда.

Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 1 триллион 520 миллиард сўм миқдорига кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Мамлакат иқтисодиётининг янада ўсиши ва мустаҳкамланиши омилларидан бири — бу иқтисодий очор ва банкрот деб эълон қилинган корхоналар фаолиятини жоилантириш, уларга молиявий кўмак бериш ва шу орқали ушбу корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий баркарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу соҳада асосий дастуриламал бўлмоқда. «Асака» банк томонидан бу соҳада муҳим ютуқларга эришилди. Жумладан, банк баланси қабул қилинган банкрот корхоналарнинг 46 таси янги инвесторларга сотилди. Банкрот корхоналар негизда банкнинг 14 та ишўба корхонаси ташкил қилинди. Ташкил этилган банк корхоналарига 61,7 миллиард сўм миқдорига инвестициялар киритилди. Натижада 3974 та янги иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқариш фаолияти тикланган корхоналарда жами 546,2 миллиард сўм миқдорига махсулотлар ишлаб чиқарилди ва 66,2 миллион АҚШ доллари миқдорига махсулотлар экспорт қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалиқ субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банклари молиявий баркарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончнинг мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ра-

вожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг юқот муҳим манбаи сифатида аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида «Асака» банк томонидан фаол ишлар олиб бориломоқда. Жумладан, ҳозирги кунда 40 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатлар қўйилган маблағлар белгиланган муддатларда омонатчиларнинг биринчи талабларига бинаон нақд пулда таъминлаб бериломоқда.

Банк томонидан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини кескин қисқартириш

Ҳозирги пайтда «Асака» банк томонидан мижозларга «UzCard EMV» (он-лайн) тизимида фойдаланишга мўлжалланган пластик карточкалар тақлим этилмоқда. Ушбу пластик карточкалар ёрдамида:

- барча коммунал хизматлар, уяли алоқа операторлари, кабель телевидениеси, интернет ва бошқа хизматлар ҳамда товарлар учун тўловларни амалга ошириш;
- банк томонидан мижоз учун очилган ҳисоб рақамни бошқариш;
- жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмаларини уяли алоқа телефони ёки интернет тармоғи орқали банк иштирокисини амалга ошириш мумкин;
- Шунингдек, мижозлар учун қуйидаги қўлайликлар яратилган:
- тўловларни телефондаги USSD-сўровномаси орқали хоҳлаган телефондан (телефон марказидан қатъи назар) амалга ошириш мумкин;
- мижоз томонидан телефонга ҳеч қандай қўшимча дастурий таъминот ўрнатиш талаб қилинмайди;
- ҳисоб рақам телефонга эмас, балки мижознинг SIM-картасига боғланган, шунинг учун телефон шимайи қолган тақдирда SIM-картани бошқа телефонга ўрнатиб, тўловни амалга ошириш мумкин;
- мижознинг телефонида маблағ етарли бўлмаган ҳолатларда ҳам мижоз USSD-сўров орқали тўловларни амалга ошириши мумкин;
- мижоз банкка таширф буюрмасдан балансини қўйиши, пул маблағлари билан тўлдириши, тўловларни амалга ошириши ҳамда назорат қилиши мумкин;
- пластик карточкалари орқали тўловларни амалга ошириш пул ва ҳеч қандай комиссия олинмайди;
- жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларига қирим қилинадиган пул маблағлари учун корхона ва ташкилотлардан хизмат ҳақи ундирилмайди;
- пластик карточкадаги пул маблағлари қолдини учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорига даромад ҳисобланади.

Пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пул-сиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам кенгаймоқда. 2016 йил биринчи чораги давомида савдо айланмалари миқдори 573,4 миллиард сўмини ташкил қилди.

«Асака» банкда халқаро пластик карточкалар (MasterCard) орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилиши тизимини кенгайтириш бўйича ҳам ишлар фаол давом эттирилмоқда. Ҳозирги кунда банк томонидан чиқарилган халқаро пластик карточкалар сони 144,8 минг донадан ошди.

«Асака» банк жамоаси жорий йилда мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хомашдан импорт ўрнини босувчи ва экспорт боп махсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш бўйича фаол ишлар олиб бориши мақсад қилган.

Банк материаллари асосида «Adolat» муҳбири Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА тайёрлади.

МУАССИС: Ҳар қандай илмий, зиёли инсон борки, тафаккури, онгини фойдаланиб ахборот билан бойитишга, дунёқарашини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Бунинг учун китобдан бўлак ишончли ва содiқ ҳамроҳ бўлмас керак. Юртимизда кейинги йилларда адабий, илмий, маърифий китоб ва бошқа турдаги босма махсулотларни ишлаб чиқариш ва мутлола қилишга бўлган эътиҳ ортиб бормоқда. Шу боис нашриётчилар сон кўпайиб, соғлом рақобат юзага келмоқда. Хар бир нашриёт мижозларига янгича турдаги хизматларни тақлим этишга интиломоқда. Биз ҳам нашриёт махсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида зарур хизматларни сотиб олиш учун "Асака" банкнинг "Аэотранспорт" филиалидан имтиёзли кредит олишга қарор қилдик. Бизнес лойиҳамиз кўргазмада имтиёзли кредит олиш ҳужуқини берувчи сертификатга эга бўлдик.

Бош муҳаррир: Ислom ХАМРОЕВ  
Тахрир ҳайъати: Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖўРАЕВ  
Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Ашшер ШОДМОНОВ, Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.  
Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов  
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.  
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган  
Тахририят маъноси: 100043,  
Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани  
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.  
info@adolatguz  
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини томонидан 0018 рақом билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 400. Адади — 9874. Босишга тошириш вақти — 22.45. Босишга тоширилади — 23.00. Баҳаси келишилган нарҳда

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100  
ISSN 2075-5237  
1 2 3 4 5